Биз бу масалани хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида қандай ҳал этилганлигига тўхталадиган бўлсак, кўпгина МДҲ давлатлари, жумладан, Қозоғистон (110-моддаси, 2-қисм), Қирғизистон (111-моддаси, 2-қисм), Россия Федерацияси (117-моддаси, 2-қисм), Грузия (126-моддаси, 2-қисм), Озарбайжон (132-моддаси, 2-қисм) ҳамда Молдова (154-моддаси, 2-қисм) каби давлатларнинг Жиноят кодексларида қилмишнинг "икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан", "хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахснинг яқин қариндошларига нисбатан", "миллатлараро ёки ирқий адоват замирида", "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб", "уюшган гуруҳ томонидан", "ёлланган шахс томонидан" содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида келтирилган.

Юқорида қайд этилган фикрларга асосланиб, баъзи хорижий мамлакатлар жиноят қонунларининг ижобий томонларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 110-моддаси иккинчи қисмига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Шу нуқтаи назардан, бизнингча, Жиноят кодексининг 110-моддаси иккинчи қисмини "икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан", "хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахснинг яқин қариндошларига нисбатан", "миллатлараро ёки ирқий адоват замирида", "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб", "уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб", "ёлланган шахс томонидан" содир этилишига оид бўлган оғирлаштирувчи ҳолатлар билан тўлдиришни таклиф қиламиз.

Бунда жабрланувчи мақомининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу белгилар унинг дунёқараши, хулқ-атвори, жиноят иштирокчилар, яъни жабрланувчи, жиноятчи ва учинчи шахс ўртасидаги муносабатлар, жабрланувчи бир ёки кўп кишини ташкил этиши каби масалалар эътиборга олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар, содир этилиш вақтида, баъзан содир этилишдан кейинги хулқ-атворида (ҳаракатлари) доир муаммоси асосий виктимологик муаммолар ҳисобланиб, уларни ўрганиш тадқиқотнинг марказида туради. Чунки кўп ҳолларда жабрланувчининг хулқ-атвори жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Масалан, 2016 йил 6 август кун икки дуст Г. ва Р.лар кечқурун кафега бориб ичишади ва ўзаро тортишиб қолишади. Р. дуст Г.нинг жигига тега бошлайди. Натижада Г. дустини тийиб қўймоқчи бўлади. Жаҳл устида турган пичоқ билан унинг чап қорин соҳасига уриб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказди. Суд айбланувчига Жиноят кодекси 104-моддаси 1-қисм билан жазо тайинлайди. Бундан кўриниб турибдики, жиноят содир этилишига Р.нинг виктим хулқи сабаб бўлган[11].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, амалиётда жазо тайинлаш вақтида айбдорнинг жинойий жавобгарлиги чегарасини белгилашда жабрланувчининг виктим хулқ-атворини ҳам эътиборга олиш лозим.

Жабрланувчининг мақомини ўрганар эканмиз, унинг роли ошкора ёки яширин бўлиши мумкин. Ошкора деганда жиноят-процессуал фаолият субъектлари томонидан тан олинган жабрланувчини тушуниш керак. Жабрланувчининг яширин роли виктимологик нуқтаи назардан турличадир. Айнан у "потенциал", "латент" ва "тасодифий жабрланувчи" каби тушунчаларини юзага келтиради.

Жиноят қонунда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг таркибидаги жабрланувчи роли билан боғлиқ бўлган криминоген вазифанинг алоҳида элементлари назарда тутилади. Аммо виктимологик нуқтаи назардан бундай турдош элементларнинг сони қонунда кўрсатилганидан ҳам юқори бўлиб, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни турли гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак, бундай турдаги жабрланувчиларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, соддалик ёки ишонувчанлик, руҳий касаллик ёки ақлий ривожланмаганлик, ташқи кўриниши ғайриоддий, тиббий, жисмоний бўшанглик ёки алкоголь, гиёҳванд модда ва ҳоказолар истеъмоли натижасидаги ожизлик ҳолатига тушиб қолган;

иккинчидан, жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги жанжал натижасида юзага келувчи жиноятлар натижасида жабрланганлар. Бунда жабрланувчининг ҳаракатлари жиноятчига ҳиссий таъсир этиши (масалан, бевосита жабрланувчининг ҳаракатлари билан жиноятчи аффе́кт ҳолатига тушади) ёки жанжаллар оқибатида келиб чиқадиган қасд ёки бошқа салбий мотив шаклланиши мумкин;

учинчидан, шахсга ёки унинг яқинларига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган жабрланувчини аниқ бир ҳаракатга йўналтириш мақсадида содир этиладиган жиноятлар. Буларга зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган жиноятлар киради. Буларга мисол сифатида одам ўғирлаш, қасддан баданга тан жароҳати етказиш, шахсни қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш, шахсни гаров сифатида тутқинликка олиш ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин;

тўртинчидан, мураккаб виктимологик характердаги жиноятларга бўлиб ўрганамиз. Буларга шундай жиноятлар кирадики, жиноятни содир этиш вақтида ким жабрланувчи, ким жиноятчи эканлигини аниқлаб бўлмайди. Жанжал шундай тус оладики, таҳдид остида бўлган жиноят жабрланувчиси жиноят субъектига айланиб қолади. Бунга мисол қилиб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан содир этиладиган жиноятларни кўрсатиш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

—1. Комментарий к уголовному кодексу Российской Федерации: Особенная часть. - М., 1996. - С. 18. (Comment to the criminal code of the Russian Federation: Special part. - M., 1996. - P. 18.)

2. Репецкая А.Л. Виновное поведение потерпевшего и принцип справедливости в уголовной политике. - Иркутск: Иркут. университет, 1994. - С. 12. (Repetskaya A. L. Guilty behavior of the victim and the principle of justice in criminal policy.- Irkutsk: Irkut. University, 1994. - P. 12.)

3. Ривман Д.В. Криминальная виктимология. - СПб., 2002. - С. 26. (Rivman D. V. Criminal victimology. - SPb., 2002. - P. 26.)

4. Jinoyat-protsessual huquqi. Darslik. Umumiy qism. / Mualliflar jamoasi. - T.: TDYU. 2017. - B. 103. (Criminal Procedural Law. The textbook. The general part. / Team

of authors. - Т.: TSIL. In 2017. - P. 103.)

5. Квашис В.Г. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. - М., 1999. - С. 28. (Kvashis V. G. Basics of victimology. Problems of protecting the rights of victims of crime. - Moscow, 1999. - P. 28.)

6. Лиманская И.В. Виктимологическая профилактика насильственных преступлений против личности. Дисс. канд. юрид. наук. - М., 2002. - С.28. (Limanskaya I. V. Victimological prevention of violent crimes against the person. Diss ... Ph.D. - Moscow, 2002. - P. 28.)

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. / А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Т.2. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - Б.61. (Explanatory Dictionary of the Uzbek language. / Under the editorship of A.Madvaliev. Chapter.2. - Т.: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2006. - P. 61.)

8. Квашис В.Г. Основы виктимологии. Проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. - М., 1999. - С.30. (Kvashis V. G. Basics of victimology. Problems of protecting the rights of victims of crime. - Moscow, 1999. - P. 30.)

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991 - 2006 йиллар. 2-жилд. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2007. - Б.3. (The set of decisions of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan plenum. 1991-2006 years. 2-volume. - Т.: Supreme Court of the Republic of Uzbekistan, 2007. - P. 3)

10. Қарши шаҳар судининг архив материалларидан. 2013. (From archival materials of the Karshi City Court. In 2013.)

11. Қарши шаҳар жиноят ишлари бўйича суд амалиёти материаллари архивидан. 2017. (Archived from the matter of judicial practice in the Karshi city criminal cases against. In 2017.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.10-МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО

Садикова Ёркиной Салижонова,
Самарқанд тиббиёт институти
Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий
фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

For citation: Sadikova Yorkinoy Salijonovna. SPECIFIC ASPECTS OF INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION IN THE FIGHT AGAINST CRIME. Journal of Law Research. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 23-29



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-3>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳуқуқий ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатларига доир масалалар баён этилган бўлиб, бу борада фикр ва мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: Жиноятчилик, қарши кураш, халқаро ҳуқуқ, давлат, миллий, қонунчилик, суд.

Садикова Ёркиной Салижонова,
Старший преподаватель кафедры
гуманитарных и социально-экономических наук
Самаркандского Медицинского института,
кандидат юридических наук

КОНКРЕТНЫЕ АСПЕКТЫ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с особенностями международно-правового сотрудничества в борьбе с преступностью, приводятся

мнения и замечания по этому поводу.

Ключевые слова: преступность, борьба, международное право, государство, национальное законодательство, суд.

Sadikova Yorkinoy Salijonovna,
Senior lecturer of the Department of
Humanitarian and socio-economic sciences
of Samarkand Medical Institute,
PhD in Law

SPECIFIC ASPECTS OF INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION IN THE FIGHT AGAINST CRIME

ANNOTATION

This article discusses issues related to the peculiarities of international legal cooperation in the fight against crime, provides opinions and comments on this issue.

Keywords: crime, struggle, international law, state, national legislation, court.

Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилик асосида келишилган ҳаракатларни, дунё ҳамжамияти ёки бир неча давлатларнинг манфаатларига дахлдор ва иштирок этаётган давлатларнинг ўзаро ёрдамида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларнинг олдини олиш, изи совумасдан очиш, жиноят содир этилишини тўхтатиш, тергов қилиш ва жиноят ишларини кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш, ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш ҳамда жазони ижро этиш каби ҳаракатларини ўз ичига олади.

Давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураши, асосан, уларнинг миллий қонунчилиги, айрим ҳолларда эса мазкур давлат тан олган халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланади[1]. Жиноий юрисдикцияни белгилаш ҳудудийлик принципига асосланади. Унга кўра, бир давлат ҳудудида содир этилган жиноят ўша давлат судининг юрисдикцияси доирасига киради. Бироқ, бу мутлақ қоида ҳисобланмайди. Юрисдикцияларни аниқлашда миллий қонунчиликлардаги турли ёндашувлар муайян жиноятларга нисбатан икки ёки бир неча давлатлар юрисдикциясининг коллизияси (тўқнашуви)ни келтириб чиқаради. Бундай коллизиялар давлатлар ўртасидаги келишув асосида ҳал қилиниши мумкин.

Давлатнинг ривожланиши ундаги юз бераётган ижтимоий муносабатлар ички ва ташқи жиноий тажовузлардан ҳимояланганлиги ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳар томонлама ташкил этилганлигига боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда халқаро миқёсда баъзи оғир ва ўта оғир жиноятлар сони кескин ошиб бораётган бир вақтда давлатларнинг халқаро хавфсизликни таъминлаш борасида халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда янада такомиллаштириш вазифалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқаро муносабатларда давлатларнинг турли соҳаларда алоқаларни мустаҳкамлаш орқали жиноий масалалар бўйича давлатлараро ҳамкорликни кўчайтириш мумкин. Бу борада, айниқса, сўнгги йилларга келиб, халқаро ҳамжамият манфаатларига тажовуз қилувчи, халқаро-ҳуқуқий тартиб асосларига путур етказувчи жиноятларга қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш борасида

ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Тошкентда 45 та чет эл элчихоналари, 8 та фахрий консуллар, 19 та халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, 18 та хорижий халқаро ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, 1 та дипломатик мақомга эга савдо ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хорижий мамлакатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг 47 та дипломатик ва консуллик ваколатхоналари мавжуд. Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, мамлакатимиз турли хил кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари билан ўзаро шерикчилик алоқаларини ривожлантиради. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти йўналишларидан бири ҳисобланади ва бунда халқаро ҳуқуқ субъектлари билан бирга миллий ҳуқуқ субъектлари ҳам иштирок этади. Ҳозирги даврда жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида махсус халқаро ташкилотлар тузилган бўлиб, ушбу ташкилотлар БМТнинг резолюцияларида "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳамкорлиги бўйича халқаро ташкилотлар", "Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари", "Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" номлари билан аталган.

Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тушунчаси хусусида фикр билдирадиган бўлсак, жиноий суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик кўплаб олимлар томонидан жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик деб номланади [2]. Яъна бир гуруҳ олимлар томонидан халқаро жиноий соҳада давлатлар ўртасидаги алоқалар деб [3] таъкидлаганидек, давлатларнинг жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тушунчасини тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. Тор маънода тушунганда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлатларнинг алоқалари. Кенг маънода тушунганда жиноят ишларини судгача бўлган босқичи, ишларни судда кўриш ва ундан кейинги босқичда давлатлар ўртасида жиноятчиларни қидириш, ушлаб бериш, суд ва ҲМҚО органларининг қарорларини ижро этиш ҳамда масалаларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ифодаланади. Шу билан бир қаторда, замонавий халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тизимидаги давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик принципини кўриб чиқиш зарурлиги маълум бўлади (масалан, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ёки давлатларнинг суверен тенглиги принципи таққосида) ва шуни тан олиш керакки, барча соҳалар бўйича ҳамкорлик қилиш мажбурийлик хусусиятига эга эмас. Жумладан, бу ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик олиб борадига тааллуқлидир. Чунки бу соҳада ҳар бир давлат ҳамкорликда иштирок этиш шакли, даражаси ва чегараларини ўзи белгилайди. Бу борада И.И.Лукашукнинг давлатни муайян ҳамкорликка чақириш, уни бир ёки иккинчи давлатнинг дўстликка мажбурлаши каби мураккабдир, деган фикри эътиборга молик [4]. Бундан ташқари халқаро ҳамкорлик тушунчасига таъриф бериш жоиздир, ушбу атамани ҳам тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода, фуқаролик, жиноий, оила ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш. Кенг маънода бир давлатнинг бошқа бир давлат ёки давлатларга ҳуқуқнинг тармоқлари бўйича ёрдам кўрсатишдир. Бундан ташқари ҳуқуқий ёрдам ҳам миллий ҳам халқаро доирада тушунилади. Шундан келиб чиқиб, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик- бу жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олиш борасидаги ҳамда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги сўров асосидаги хорижий давлат ҳудудида

ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят процессуал ҳаракатларни бажариш, хорижий давлат ҳудудидан олинган далилларнинг юридик кучини баҳолаш, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳни, жабрланувчини, экспертни, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакиллари чақириш, жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш, шунингдек, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш тартибга фаолият ва ушбу фаолиятда юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, у икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида вужудга келади.

Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик соҳасидаги халқаро ташкилотлар бирламчи субъектлар, яъни давлатлар томонидан шахс, жамият, давлат манфатларини халқаро, халқаро аҳамиятдаги, трансмиллий ёки бошқа кўринишдаги жиноий тажовузлардан ҳамкорликда муҳофаза қилиш мақсадида тузилади. Бирламчи субъект сифатида давлат ўз ҳудудида жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқади; жиноий суд ишларини юритишнинг моддий ва процессуал ҳуқуқий асослари, жиноий суд ишларини юритишга ваколатли субъектлар доирасини белгилайди [5].

Ҳар қандай жиноят иши содир этилган ҳудудига нисбатан маълум бир давлат юрисдикцияси таъсир доирасига мансуб бўлади ва шу давлатнинг миллий қонунчилиги бўйича жиноий таъқиб остига олиниши мумкин. Агар давлат ҳудудида содир этилган жиноят сабабли бир неча давлатлар манфаатларига зарар етказилган бўлса ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган бўлса ёки жиноят бир неча давлатлар ҳудудида содир этилган бўлса, халқаро шартномаларга мувофиқ бундай қилмишлар учун жиноий таъқиб бир неча давлатларнинг жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги доирасида ёки давлатларнинг ваколатли субъектлари томонидан жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг иккаламчи субъектлари, яъни махсус халқаро ташкилотлар иштирокида жиноий таъқиб остига олинади. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқда ўрнатилган нормалар орқали амалга оширилади.

Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик процессуал ҳаракатлар ҳисобланади. Ушбу ҳаракатларни тартибга солувчи нормалар жиноят процессини тартибга солувчи нормалар, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Биз қуйида давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини БМТ йўналишидаги халқаро ҳамкорлигини кўриб чиқамиз.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йилнинг октябрида ташкил топган. БМТ Уставига биноан у барча долзарб муаммолар бўйича давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик учун масъулдир. Мамлакатларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги масалалари билан БМТ органларидан бири Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш бевосита шуғулланади. 1950 йили бу кенгаш таркибида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат билдириши бўйича экспертлар қўмитаси таъсис этилди. 1971 йилда у жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитасига, 1993 йилда эса жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят адлияси бўйича комиссия деб

қайта номланди.

Комиссия (қўмита) ЭКОСОСга жиноятчиликка қарши янада самарали кураш олиб бориш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида булишга қаратилган тавсия ва таклифлар тақдим этади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мазкур орган зиммасига ҳар 5 йилда бир марта Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат бўйича БМТ конгрессларини тайёрлаш вазифасини юклатилган. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят адлиясига доир халқаро қоидалар, стандартлар ва тавсиялар ишлаб чиқишда БМТ конгресслари асосий роль ўйнайди. Ҳозирги вақтгача 9 конгресс ўтказилган [6].

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик субъектлари орасида ноҳукумат ташкилотлардан: Жиноят ҳуқуқи халқаро уюшмаси, Халқаро криминологик жамият, Ижтимоий ҳимоя халқаро жамияти ва Халқаро жиноят ва пенитенциар фонди фаолиятини қайд этиб ўтиш зарур, деб уйлаймиз.

Жиноят ҳуқуқи халқаро уюшмаси 1924 йили ташкил топган. У жиноятчиликни, унинг сабабларини ва унга қарши кураш воситаларини ўрганади, жиноят ҳуқуқий қиёсий тадқиқотлар билан шуғулланади, жиноят ҳуқуқи муаммолари бўйича халқаро конгресслар ўтказилишини ташкил қилади, БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларга маслаҳатлар беради.

Халқаро криминологик жамият 1934 йилда ташкил этилган бўлиб, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни таъминлаш билан бевосита шуғулланади. У криминология соҳасидаги миллий институтлар ва мутахассисларни бирлаштиради. Халқаро криминологик жамият ЭКОСОС, БМТ ва ЮНЕСКО маслаҳатчиси мақомига эга. Мазкур жамият халқаро миқёсда жиноятчиликнинг сабабларини ўрганади, криминологик конгресслар, семинарлар, коллоквиумлар ташкил қилади, уларнинг материалларини эълон қилади, миллий криминологик институтларга ёрдам кўрсатади, криминология фанини рағбатлантириш учун стипендия ва мукофотлар таъсис этади ва тайинлайди. Ижтимоий ҳимоя халқаро жамияти ва Халқаро жиноят ва пенитенциар фонди ҳам ўз соҳасида шунга ўхшаш ишларни амалга оширади.

Халқаро ҳамкорликда Халқаро жиноят полицияси ташкилоти (Интерпол) алоҳида ўрин тутади [7]. У 1923 йили Венада дастлаб халқаро жиноят полицияси комиссияси тарзида ташкил этилган. Интерпол ноҳукумат ташкилотдан ҳукуматлараро ташкилотга айланди. Бугунги кунда у 170 дан ортиқ давлатни бирлаштиради. Интерполнинг олий органи Бош ассамблея ҳисобланади. Унинг сессиялари йилда бир марта ўтказилади. Ижро этувчи қўмита минтақаларнинг вакиллари билан ташкил топади. Мунтазам ишловчи аппарати котибият ҳисобланади. Ҳужжатларни илмий ишлаб чиқиш учун маслаҳатчилар институти фаолият кўрсатади. Бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ, Интерпол ҳар бир мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ўз миллий марказий бюросига эгадир. Интерпол ўз уставига биноан мамлакатларда амал қилувчи қонунлар доирасида жиноят полицияси органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди ва ривожлантиради, жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам берадиган муассасаларни ташкил этади ва ривожлантиради. Унинг асосий иши миллий марказит бюродан ва улар учун ахборотлар қабул қилиш, таҳлил қилиш ва бериш йўли билан муайян жиноят ишлари бўйича ҳамкорликни ташкил этишдан иборат. Ҳар бир миллий марказий бюро ўз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан, халқаро миқёсда эса бошқа мамлакатларнинг миллий марказий бюро ва Интерпол Бош котибияти билан мунтазам алоқа қилади.

Юридик адабиётларда "жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорлик" ибораси турлича талқин қилинади ва қўлланади. Жумладан, у "халқаро жиноятчиликка қарши кураш", "жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳуқуқий ҳамкорлик", "жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам", "жиноят ишлари бўйича ҳамкорлик", "жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам" деб кўрсатилган [8].

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорлик халқаро муносабатларнинг асосий соҳаси ҳисобланиб, у халқаро ва давлатларнинг ички ҳуқуқий тартибини таъминлаш, халқаро ва миллий хавфсизликни тартибга солишга хизмат қилади. Бундай ҳамкорлик жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш соҳасидаги халқаро муносабатларнинг субъектлари ва давлатларнинг ўзига хос фаолиятини тақозо этади. Шу билан бирга, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, шакллари, ҳажми халқаро жиноятчилик ва давлатларнинг ички жиноятчилиги мазмунидан, турли давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги сиёсатидан, шу давлатларнинг ҳуқуқий тизими шаклланганлигидан, халқаро муносабатларда аъзолик даражасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорлик бевосита давлатлар ёки уларнинг бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Ҳамкорликнинг юзага келиш ва вазифалари, у ёки бу давлатнинг халқаро жинояти мавжуд шахсларнинг қилмишида бевосита ифодаланади. Бу шахслар мазкур давлатнинг ҳуқуққа зид сиёсатини амалга ошириб, халқаро жиноятчиликни туғдиради. Бундай вазиятда ҳуқуқ бузилишига жавобгар давлат билан бир қаторда, кўрсатилган муайян шахслар ҳам халқаро жиноий жавобгарликка тортилади [9]. Мазкур масала маълум бир давлатнинг жинояткорона сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлмаган, бироқ миллий ҳуқуқ-тартибот, халқаро ҳуқуқ-тартиботга ҳам дахл қилиб, бир неча ёки барча давлатлар учун ижтимоий хавф келтириб чиқарадиган, яъни халқаро ижтимоий хавф сифатида баҳоланадиган жиноятларга тааллуқлидир. Бу турдаги жиноятлар халқаро жиноятлар сифатида тавсифланади. Уларнинг олдини олиш, тўхтатиб қўйиш, жиноятчиларни жазолаш турли давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жиноятчилик билан курашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини келтириб ўтамиз.

Жиноятчилик билан курашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик - бу давлатларнинг, аввало унинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларининг ўз ички қонунчилик манбалари, халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига асосланиб фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамият ва давлатнинг тинчлик ва хавфсизлигини сақлаш, барқарорлигини таъминлашга, жиноятчиликни олдини олиш, уни бартараф этиш ва унга қарши курашишга қаратилган биргаликда олиб бориладиган фаолиятидир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Хабриева Т. Международное сотрудничество в сфере уголовного судопроизводства: Учеб.пособие. Воронеж, 2014. (Khabrieva T. International cooperation in the field of criminal justice: Studies.stipend.Voronezh, 2014.)

2. Шупилов В.П. Международная правовая помощь по уголовным делам. // Российское государство и право. 2009. -№ 3. - С.86. Яковлев П.Т. Первый русско-

китайский договор 1689 года. М.: Госюриздат, 1958. (Shumilov V. P. international legal assistance in criminal matters. // Russian state and law. 2009. - No. 3. - P. 86. Yakovlev P. T. the First Russian-Chinese Treaty of 1689. Moscow: Gosyurizdat, 1958.)

3. Фрахи Б. Международной сотрудничество против организованной преступности. Опыт Европейского интеграции // Вестник МПА СНГ. - 1995. - №1. - С. 60-63.; Абашидзе А.Х. Борьба с терроризмом, Международный уголовный суд и Российская Федерация // РЕМП. Спец. вып. - СПб., 2003. - С. 36-37.; Сафаров Н. Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики. - М.: Волтерс Клувер, 2005. - С. 5-6.; Bossard A. Transnational Crime and Criminal Law. - Chicago, 1995. - 125 p. (rahi B. International cooperation against organized crime. Experience of European integration // Bulletin of the IPA CIS. - 1995. - No. 1. - Pp. 60-63.; Abashidze A. H. the Fight against terrorism, the international criminal court and the Russian Federation // REMF. Spets. vol. - SPb., 2003. - Pp. 36-37.; Safarov N. Extradition in international criminal law: problems of theory and practice. - Moscow: Volters Kluver, 2005. - Pp. 5-6.; Bossard A. Transnational Crime and Criminal Law. - Chicago, 1995. - 125 p.)

4. Лукашук И. И. Международное право. Общая часть. - М., 1996. - С. 286. (Lukashuk I. I. International law. Common part. - М., 1996. - P. 286.)

5. Матчанов А.А. Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик: Методик материал. - Т., 2013-28 б. (Matchanov A.A. International cooperation in the fight against crime: methodical material. - Т., P. 2013-28)

6. <https://www.un.org/en/>

7. Бельсон Я.М. Интерпол в борьбе с уголовной преступностью. М.: Наука, 2009.-236 с. (Belson Y M Interpol in the fight against crime. Moscow: Nauka, 2009. P. 236 .)

8. Халқаро ҳуқуқ: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х. Саидов. - Т., 2012. - 299 б. (International law: lecture course / responsible editor doctor of Legal Sciences, professor A.H.Saidov. - Т., 2012. - P. 99.)

9. Панов В.П. Сотрудничество государств в борьбе с международными уголовными преступлениями. М., 2003. Б.104 (Panov V. p. Cooperation of States in the fight against international criminal crimes. Moscow, 2003. B. 104)


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО**

Расулов Ҳаким Маманович,
Термиз давлат университети доценти,
сиёсий фанлар номзоди
E-mail: rhm1973@mail.ru

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: БОШҚАРУВДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*For citation: Rasulov Khakim Mamanovich. CIVIL SOCIETY: PROSPECTS OF
DECENTRALIZATION IN GOVERNANCE. Journal of Law Research. 2020, 2 vol.,
issue 5, pp. 30-35*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви тизимида номарказлаштириш, вертикал бошқарув тизимида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, халқ, давлат, давлат органлари, бошқарувни номарказлаштириш, вертикал, горизонтал бошқарув, маъмурий ислохотлар, концепция.

Расулов Ҳаким Маманович,
Доцент Термезского
государственного университета,
кандидат политических наук
E-mail: rhm1973@mail.ru

ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО: ПЕРСПЕКТИВЫ ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИИ В УПРАВЛЕНИИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются проблемы, связанные с налаживанием эффективного

взаимодействия в системе государственного и государственного управления в Узбекистане в процессе децентрализации в системе государственного и управления общества.

Ключевые слова: стратегия действий, люди, государство, государственные органы, децентрализация управления, вертикаль, горизонтальное управление, административная реформа, концепция.

Rasulov Khakim Mamanovich,
Associate professor
of the Termez State University,
Candidate of Political sciences
E-mail: rhm1973@mail.ru

CIVIL SOCIETY: PROSPECTS OF DECENTRALIZATION IN GOVERNANCE

ANNOTATION

The article analyzes the problems relates with establishing effective cooperation of state system and public administration vertical management system in the process of non-centralization in Uzbekistan.

Keywords: strategy of actions, people, state, state bodies, decentralization of management, vertical, horizontal management, administrative reform, concept.

Ўзбекистонда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", "халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши кераклиги" принципларининг амалга оширилиши мамлакатда фуқаролик жамиятни барпо этишнинг ўзига хос концептуал асоси бўлмоқда. Бу каби ислохотлар давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнлари билан уйғунликда амалга оширилмоқда. Француз олими А. Токвиль таъкидлаганидек, "жамият тараққиёти тобора мураккаблашиб бораётган жамиятда ҳукумат ҳамма нарсани марказлаштирилган тарзда бошқаролмайди.... Номарказлаштириш демократия тарафдори бўлган маҳаллий эркинликларга асосланади, фуқаролар орасида жавобгарлик ҳиссини юзага келтиради ва давлатни авторитар равишда бошқаришни рад этади. Номарказлаштириш демократия ва сиёсий етуклик тараққиётини акс эттиради"[5]. Ҳокимиятни номарказлаштиришнинг халқаро тажрибаси шуни кўрсатадики, бу жараён XVI асрнинг охирида пайдо бўлган. Ушбу давр давлат бошқарувини ташкил этишнинг энг яхши шаклини излаш ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар тизимини қуриш билан ажралиб туради. Ўша даврда Номарказлаштирилмаган бошқарувнинг асосий тарафдорлари Жан Боден и Иоганн Альтузиуслар бўлган. [7]

Ўзбекистонда янгиланган жамиятини барпо қилиш жараёнида фуқаролик жамияти қуришга асосий тўсиқ бўлиб турган давлат ҳокимияти тизимини фақат бошқариш органи эмас, балки фуқароларга давлат хизмати кўрсатиш органига айлантиришга доир ислохотлардан бошланди. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" принципи асос қилиб олинди. Шунингдек, фуқароларнинг турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларга дуч келиши, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиниши, оптимал бўлган банк кредитларининг ажратилиши, тадбиркорлик бўйича

ноқонуний текширишларга барҳам бериш жараёнлари ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятидаги тизимли ўзгаришлар мамлакатимизда маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, илмий адабиётларда номарказлаштиришнинг бир неча турлари ажратиб кўрсатилган: маъмурий номарказлаштириш, яъни маҳаллий ҳокимият юқори ҳокимият олдида ҳисобот беради; сиёсий номарказлаштириш, бунда маҳаллий ҳокимият назарий жиҳатдан давлатдан мустақил, ваколат ва жавобгарликка эга бўлади; бюджетни номарказлаштириш, берилган куч ва масъулиятни бажариш учун зарур ресурсларни топшириш билан боғлиқ; ниҳоят, функцияларни хусусий секторга (компаниялар, ноҳукумат ташкилотлари), шу жумладан илгари давлат идоралари томонидан амалга оширилган режалаштириш ва маъмуриятга бериладиган бозорни номарказлаштириш. [6] Шунингдек, муаммонинг итлмий таҳлили нуқтаи-назаридан ҳокимият ваколатларини номарказлаштириш борасида қуйидаги ёндошувлар ҳам илгари сурилмоқда.

а) Маҳаллий (шаҳар, вилоят, туман) ҳокимиятининг давлатдан назарий мустақиллигини, ҳокимият органлари учун тегишли ваколатлар ва мажбуриятларнинг мавжудлигини назарда тутадиган номарказлаштиришнинг сиёсий тури; б) ваколатли органларнинг тегишли вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган баъзи молиявий маблағларни бериш натижасида номарказлаштиришнинг бюджет тури; в) давлат бошқарувининг хусусий секторга ўтишини назарда тутувчи бозорни номарказлаштира тури.[8]

Шундай бўлса-да, масалага аниқлик киритиш ва турли чалкашликларга йўл қўймаслик учун тадқиқотчилар юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда "номарказлаштириш" тушунчасидан фойдаланишни тавсия этадилар, уларнинг бири бошқаси томонидан бошқариладиган, лекин давлат ҳокимияти ва умуман иқтисодий ёки ижтимоий соҳа ўртасидаги эмас, балки давлат ҳокимияти даражалари ўртасидаги муносабатларни тавсифлаш маъносида ишлатилади.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар Стратегияси доирасида Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилмоқда. Бошқача айтганда ижро этувчи ҳокимият ва хўжалик бошқаруви органларининг институционал асослари ва улар фаолиятининг принципларини замонавий талабларга мослаштириш, бошқарувда раҳбар кадрларни танлаш ва тавсия этиш, бошқарув тизимини инсон ва жамият манфаатлари талаблари даражасида ҳал қилиш билан боғлиқ муаммолар вертикал бошқарувнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодиёт тармоқларини, ижтимоий соҳани, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш ва модернизациялаш орқали аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган.

Шу ўринда бошқарув тизимининг илмий асосланган ва замонавий бошқарув жараёнида ўз ифодасини топиб келаётган муносабатларга таҳлилига эътибор қаратсак. Аксарият илмий манбаларда бошқариш тузилмаси элементлари ўртасидаги муносабатлар 1) вертикал яъни, агар раҳбар ва унга бўйсунувчи ўртасида ўзаро муносабатлар мавжуд бўлса; 2) горизонтал яъни, тенг элементларнинг ўзаро таъсири мавжуд бўлиши каби хусусиятларда тавсифланади[1].

Бошқарув тизимининг мазкур хусусият ва йўналишларидан келиб чиқадиган бўлсак мамлакатимизда ҳам давлат бошқарувида ижро ҳокимиятининг барча бўғинларида босқичма-босқич номарказлаштириш билан боғлиқ плюралистик

ёндошувлар давом этаётганлигини кўришимиз мумкин. Ана жараёнлардан келиб чиқадиган бўлсак, вертикал бошқарув жараёни биринчидан, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш; иккинчидан, бошқарувда айниқса, кадрлар масаласида маҳаллий ҳокимияти органларига, ижро ҳокимияти тизимига алоқадор бошқа тузилмаларга мустақил бошқарув ва идора қилиш ҳуқуқини қонунан бериб бориш: учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш; тўртинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш; бешинчидан, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб муаммоларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини оширишни қамраб олади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат хизматларининг очиқлигини таъминлаш, халқ билан мулоқот ўрнатишнинг янги механизмларини жорий этиш, давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотини яхшилаш орқали меҳнат унумдорлигига эришиш, профессионал давлат хизмати самарадорлигини таъминлаш, энг муҳими бошқарув тизимида кадрлар танлаш ва жойига қўйиш билан боғлиқ механизмларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Дарҳақиқат, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади. Бошқача айтганда бугунги кунда бошқарув тизимининг замон талабларига жавоб бермайдиган институционал асослари ва улар фаолиятининг принциплари ўтказилаётган ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Бу хусусда давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев мамлакатимиз вертикал бошқарув тизимидаги муаммолар сабаб "қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган 13 мингдан ортиқ топшириқларнинг 20 фоизи муддатида ижро қилинмаган. Бу Вазирлар Маҳкамаси, қатор давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ишга масъулиятсиз ёндашаётганидан далолат бермоқда"[2].

Қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш борасидаги конституциявий нормалардан миллий парламентимизнинг ҳар икки палатаси самарали фойдаланиши лозим. Бу хусусда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан парламентнинг ижро ҳокимияти билан самарали ҳамкорлик механизми етарли даражада таъминланмаётганлигини, асосан ҳисоботларни эшитиш билан чекланиб қолинаётганлигини, бу борадаги асосий камчилик сифатида Олий Мажлис ҳали-ҳануз ҳақиқий баҳс-мунозаралар майдонига айланмаётганлигини қайта-қайта танқид қилинмоқда[2].

Вертикал бошқарув тизимининг энг муҳим маммоларидан бири ижро ҳокимияти идоралар фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент таъсирчан назоратининг қандай йўлга қўйилишига ҳам боғлиқ. Бунинг учун эса, жамоатчилик айниқса уларнинг сиёсий жиҳатдан фаол ва уюшган қатлами бўлган депутат ҳамда сенаторлар ижро ҳокимияти идораларининг камчилик ва нуқсонлари ҳақида асосли маълумотлар бериши, вазирлик ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиши, зурур бўлса, вазир ва ҳокимларни лавозимдан бўшатишгача бўлган қонуний таклифларни киритиши тизими жорий қилинишга эришиш лозим.

Дарҳақиқат, "давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлис палаталари ролини кучайтириш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати бўйича муҳим вазифаларни

ҳал этиш, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилишда парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини яна ва яна кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур"[3]. Шу билан бирга қонунлар ижросини кўриб чиқиш, ижро ҳокимият тизими масъулларининг ҳисоботини эшитиш билан биргаликда аҳолининг муаммоларини тизимли равишда ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарурлига ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор қартилмоқда.

Ислоҳотларнинг мувоффақияти нафақат ижро ҳокимияти тизимидаги муаммолар ёки унинг парламент ва вакиллик органлари билан самара ҳамкорлигининг таъминланишига балки, "фуқароларда ҳам ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз"[2].

Вертикал бошқарув тизимидаги муаммолар таҳлилига эътибор қаратиладиган бўлса, бу асосан ижро этувчи ҳокимият органлари ҳуқуқий мақомининг айрим ҳолатларда аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга ўз вақтида ечим топилмаётганлиги каби муаммолар билан боғлиқ бўлмоқда.

Агар масалага маъмурий ислоҳотлар концепциясида[4] ўз аксини топган муаммолар таҳлилидан келиб чиқиб, ёндошадиган бўлсак, бугунги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бошқарув тузилмалари томонидан бажарилиши лозим бўлган ижро ҳокимияти ваколатларининг фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб ижросини таъминлаш билан боғлиқ энг муҳим муаммо ва талаблар қуйидагиларда намоён бўлаяпти.

Биринчидан, оптималлик, яъни фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиш йўлида бошқариш органлари ўртасида рационал муносабатлар етарли даражада ўрнатилмаганлиги; иккинчидан, самарадорлик, яъни қабул қилинаётган барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилишининг етарлича тизимининг мавжуд эмаслиги; учинчидан, ишончлилик ва ишончсизлик тенденцияси, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ номувофиқликнинг сакланиб қолинаётганлиги; тўртинчидан, рентабеллик, яъни бошқарув ва ижро тизимида минимал имкониятлардан максимал фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришнинг зарурияти; бешинчидан, мослашувчанлик, яъни бошқарув ва ижро тизимида мавжуд имкониятлардан қонунга мувофиқ тарзда фойдалана билиш билан боғлиқ креативликнинг етишмаслиги каби мавжуд ҳолатлар вертикал бошқарув тизими фуқаролик жамияти шароитида қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, давлат бошқаруви тизимидаги мавжуд камчиликлар маъмурий ислоҳотлар концепциясида қайд этилганидек, жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб бермайди. Зеро, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришиш Ҳаракатлар Стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг провард мақсадидир.

Маъмурий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган гоё ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозим.[4] Бошқача айтганда маъмурий ислоҳотларга мувофиқ давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг асосий вазифаси - масъул бўлган соҳа ва тармоқларда ишларнинг аҳолини танқидий

баҳолаши асосида зиммаларига юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда маъмурий ислохотларнинг мақсади халқимизга яхши яшаши учун барча зарур шароитларни яратишдан иборатдир. Яхши яшаш учун энг аввало ҳар биримиздан яхши меҳнат қилиш, фуқароларда ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни чуқур ҳис этиш талаб этилади. Бунга эришиш эса, фақат ва фақат ўзимизга, ҳар биримизга боғлиқ[2].

Иқтибослар/Сноски/References

1. Понятие организационной структуры управления (The concept of organizational structure of management). <https://port-u.ru/postroeniestructury/ponyatieorgstrukturny>
2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. 7 декабрь 2018 йил (Mirziyoev Sh.M. Educated generation is the guarantee of a great future, entrepreneurial people - a prosperous life and friendly cooperation is a guarantee of progress. December 7, 2018)
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: "Ўзбекистон", 2017, 44-бет (Mirziyoev Sh.M. We will continue with the path of national development to a new level. Т.: "Uzbekistan," 2017, p. 44).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5185-сон Фармони, 2017 йил 8 сентябрь (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Concept of Administrative Reforms in the Republic of Uzbekistan" № UP-5185, September 8, 2017)
5. Особенности Французской модели децентрализации государственного управления и развития местного самоуправления (Features of the French model of decentralization of public administration and the development of local self-government) // [https:// scienceproblems.ru/ osobennosti-frantsuzskoj/3.html](https://scienceproblems.ru/osobennosti-frantsuzskoj/3.html)
6. Трофимова, И.Н. Децентрализация государственного управления и особенности центрлокальных отношений в европейских странах. // Равнительная политика. 4/2011. Стр. 37 (Trofimova, I.N. Decentralization of public administration and features of central-local relations in European countries. // Equal policy. 4/2011. Page 37)
7. Гоптарева, И.Б.?Политический анализ концепции федерализма: монография. Оренбург: Южный Урал, 2002. Стр. 38 (Goptareva, I. B. Political analysis of the concept of federalism: a monograph. Orenburg: Southern Urals, 2002. p. 38).
8. Децентрализация государственного управления Decentralization of public administration.// [https:// spravochnick.ru/ gosudarstvennoe_i_municipalnoe_upravlenie/ decentralizaciya_gosudarstvennogo_upravleniya/](https://spravochnick.ru/gosudarstvennoe_i_municipalnoe_upravlenie/decentralizaciya_gosudarstvennogo_upravleniya/)


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.06-ПРИРОДОРЕСУРСНОЕ ПРАВО. АГРАРНОЕ ПРАВО.
ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО

Махкамов Дурбек Нематович,
Тошкент давлат юридик университетининг
3-курс декани, юридик фанлар номзоди

ЎСИМЛИК ДУНЁСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИККА ИЛМИЙ- ТАҲЛИЛИЙ НАЗАР

For citation: Makhkamov Durbek Nematovich. SCIENTIFIC AND ANALYTICAL VIEW TO THE LEGISLATION ON PLANTS WORLD. Journal of Law Research. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 36-41

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-5>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни ривожланиши ва аҳамияти, соҳага оид илмий-назарий фикрлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили, қонунчиликда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: ўсимлик дунёси, экологик қонунчилик, табиий ресурс, ўсимликдан фойдаланиш, эндемик, ўрмондан фойдаланиш, экологик назорат

Махкамов Дурбек Нематович,
Декан 3-го курса Ташкентского
государственного юридического университета,
кандидат юридических наук

НАУЧНО-АНАЛИТИЧЕСКИЙ ВЗГЛЯД НА ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО О РАСТИТЕЛЬНОМ МИРЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается развитие и значение законодательства в области охраны и использования растительного мира, проводится сравнительный анализ научных и теоретических мнений и законодательство в этой области, проблемы в законодательстве и предложение по их устранению.

Ключевые слова: флора, природоохранное законодательство, природные ресурсы, использование растений, эндемик, лесопользование, экологический контроль.

Makhkamov Durbek Nematovich,
Dean of the 3rd year course of the
Tashkent State University of Law,
PhD in Law

SCIENTIFIC AND ANALYTICAL VIEW TO THE LEGISLATION ON PLANTS WORLD

ANNOTATION

This article describes the development and significance of legislation in the field of protection and use of the plant world, carries out a comparative analysis of scientific and theoretical opinions and legislation in this area, problems in the legislation and a proposal to address them.

Keywords: flora, environmental legislation, natural resources, plant use, endemic, forest management, environmental control.

Жамият ривожланиши натижасида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ўзгариши тамаддуннинг динамик кўрсаткичларида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат барча жабҳаларда ўзининг ифодасини топмоқда. Жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнлари ҳам кескин ўзгаришлар тенденциясига мансублиги билан алоҳида ажралиб турибди. Айнан йиллар мобайнида шаклланган назарий қарашлар ва шу даврдаги амалий ифодалар (қонунчилик) ўзининг ғоявий кўринишини янгича йўғрилган мазмун билан тўлдирган ҳолда замонавий кўринишга ўтмоқда.

Зеро инсонларнинг экологик-ҳуқуқий онги ривожланиши ўсимлик дунёсини муҳофа қилиш ва ундан фойдаланишга оид муносабатларни ўзгартирмоқда. Бу борада ҳуқуқшунос олим М.Нажимов "Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг даражалари фақатгина моддий ишлаб чиқариш жараёнида инсон ўз эҳтиёжлари учун табиатни қайси усулда, қандай воситалар ёрдамида ўзлаштираётганлиги билан белгиланмайди. Бунда атроф табиий муҳит муҳофазасига муносабат жамиятнинг ижтимоий масъулиятни англаш хусусиятларини кўрсатиб туради. Айниқса, экологик вазият кескинлашаётган ҳозирги даврда иқтисодий ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлар соф иқтисодий манфаатлар доирасидан четга чиқиб кетди. Шу жиҳатдан олганда, экологик эҳтиёжлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиши билан "табиат-иқтисод-жамият" тизимида экологик-ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ролини ошириш кун тартибига қўйилаётганлиги тасодиқий ҳолат эмас", деб таъкидлайди.

Таъкидлаш лозимки, 2010 йилга қадар экология ҳуқуқига оид адабиётларда ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш масаласига етарлича эътибор қаратилмаган, аксар ҳолларда ўсимлик дунёси тушунчаси тушунарсиз ва умумий маънода талқин қилинган. Қонунчиликда ҳам ўсимлик дунёси тушунчаси бевосита очиб берилмаган. Ҳуқуқий адабиётларда фақат ўрмон тушунчаси ва ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаларигагина эътибор қаратилган [1]. Жумладан, П.Стайнов ҳам табиий объектлар турлари ҳақида ёзар экан, фақат ўрмонларни

кўрсатиб ўтади ва шу йўсинда ўрмон ва ўсимлик тушунчаларини тенглаштиради [2]. Шунингдек, айрим доктринал манбаларда ўрмон ва ўсимлик дунёси ўртасидаги тафовут чалкаштириб юборилади, баъзиларида ўсимлик дунёси ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш доирасида ўрганилади [3]. Ҳолбуки, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича муносабатлари белгиланган ҳуқуқий ҳолатга нисбатан, ўсимлик дунёсидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати фарқ қилади. Жумладан, юридик адабиётларда ёзилишича, ўсимлик дунёси тушунчаси ўрмон тушунчасига нисбатан анча кенг. Чунончи, Н.К.Скрипников қайд этганидек, "Ўрмон атроф табиий муҳитнинг муҳим таркибий қисми, биологик хилма-хилликнинг, ўсимлик дунёсининг ажралмас қисми ҳисобланади" [4].

Таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув даврига келиб, табиий ресурслар, хусусан, ўсимлик дунёси объектлари юзасидан янгича қарашлар вужудга келмоқда ва юқоридаги ғоялардан кескин фарқ қилувчи назариялар пайдо бўлмоқда.

Ушбу назариялар аста секинлик билан қабул қилинаётган қонунларда ўз ифодасини топмоқда. Мазкур ҳолатни экология ҳуқуқининг объекти бўлмиш ўсимлик дунёсига оид қонунчилик тўғрисида мулоҳаза қилиш орқали ифодалаш мумкин.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун янги таҳрирининг энг устувор жиҳати шуки, объектга нисбатан мулккий муносабатларни инобатга олган ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ва уларнинг мақомини алоҳида акс эттирган қонун сифатида намоён бўлди. Мазкур ҳолатни ўсимлик дунёси объектлари тушунчасидан ҳам кўришимиз мумкин.

1997 йилда қабул қилинган ва анча муддат амалда бўлган қонунда ўсимлик дунёсига умуман таъриф берилмаган ва ўсимлик дунёси объектлари сифатида "ёввойи организмлар дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма-хил турлари билан;

ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари;

ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар ҳаёти фаолиятининг маҳсуллари." дея эътироф этилган.

Қонуннинг янги таҳририда "ўсимлик дунёси -Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуи;"деб аниқ тушунча берилган. Эътиборлиси мазкур қонунда ўсимлик дунёси объектлари сифатида "ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар; ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари; ботаника коллекциялари" санаб ўтилган.

Кўришимиз мумкинки, бу ерда ўсимлик дунёсига берилган таъриф ва унинг объектлари таркибида "сунъий шароитдаги ўсимлик" тушунчаси ҳам қайд этилган.

Демак, қонун нафақат табиий шароитдаги ёввойи ўсимликларни балки, антропоген таъсир мавжуд бўлиши натижасида пайдо бўлган ўсимликларни назарда тутди. Бу эса ушбу табиий объектга нисбатан мулккий муносабатларни тартибга солишда ҳам аҳамият касб этади.

Шу сабабли ҳам Қонунда акс этган ўсимлик дунёсига нисбатан мулкчилик масаласини экология қонунчилиги тизимида бир неча йиллар мобайнида мавжуд бўлиб келаётган тенденцияга туб бурилиш ясовчи норма сифатида кўришимиз мумкин. Жумладан, ўсимлик дунёсига нисбатан мулкчилик деганда табиий муҳитда

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар давлат мулки, сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланди. Мазкур норманинг янгилиги ва ўсимлик дунёсига нисбатан мулкчиликка замонавий ёндашувни мавжудлигини олдинги таҳрирдаги қонун нормасини шарҳлаш орқали ифодалашимиз мумкин.

Унга кўра "Ўсимлик дунёсига нисбатан мулкдорлик" номи билан белгиланган моддада "Ўсимлик дунёси давлат мулки - умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир."-деб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси (Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.)ни такрорлаган ҳолда, "Ўсимлик дунёси-давлат мулки" сифатида эътроф этилган.

Амалдаги қонуннинг ютуғи ва афзаллиги ҳам ўсимлик дунёсига нисбатан жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, хусусий мулкни эътироф этувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат эканлигини эътиборга олишимиз лозим.

Бироқ, айрим олимлар ўсимлик дунёсини табиий объект сифатида муҳофаза қилиш бирламчи бўлиши ва фойдаланиш фақатгина маъмурий органларнинг рухсати билан чекланган тарзда амалга оширилиши лозимлигини таъкидлайди.

Мазмун жиҳатдан ўзгарган ва шу муносабатни тартибга солишга қаратилган норманинг мавжудлиги, айрим нормаларга зид келиш ҳолатларини ҳам вужудга келтирди. Хусусан, қонунда "Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланиш тартибида амалга оширилади. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан бепул, ҳаётий зарур эҳтиёжларни қаноатлантириш учун чекланган ҳажмларда амалга оширилади. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш рухсатномалар асосида ҳақ эвазига амалга оширилади. Ўсимлик дунёси объектлари доимий ёки вақтинча (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) фойдаланишга берилиши мумкин." деб белгиланган. Бу нормада сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлиш мумкинлигига эътибор берилмаган. Шу сабабли юқоридаги нормада мулкдорнинг мулкка бўлган ҳуқуқларини чекловчи тушунчаларни англаш мумкин.

Амалдаги қонуннинг яна бир ижобий томони ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги назоратни аввалги қонундан тубдан фарқ қилувчи ёндашув асосида ёритилганлигидадир. Зотан, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тикланишни экологик барқарорлик билан мутаносиб ҳолда олиб бориш давлатнинг экология соҳасидаги бошқарув ваколатининг кенгайтирилиши ва маъмурий-ҳуқуқий йўл билан амалга оширилишини тақозо этади [5]. Мазкур фикрга ҳамоханг тарзда профессор Ш.Файзиев ҳар қандай давлатнинг экологик сиёсати атроф табиий муҳит соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати билан чамбарчас боғлиқлигини ҳамда экологик сиёсат экология соҳасидаги давлат бошқаруви ва назоратининг тизимли ифодаси эканлигини қайд этади [6]. Бу борада профессор Ж.Холмўминов Германия қонунчилиги мисолида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга оид давлат назоратининг аҳамиятини амалий мисоллар орқали ифодалайди [7].

Қонуннинг 24-моддасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги назорат давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ҳамда жамоатчилик назорати тарзида амалга оширилиши кўзда тутилган. Унга кўра

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги идоравий назорат давлат ўрмон фонди ерларида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан, давлат бошқаруви органларига қарашли ташкилотларда, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирувчи ташкилотларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назорати хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларга бириктирилган ҳудудларда амалга оширилади. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги модданинг мазмунидан ҳам кўришимиз мумкинки, экологик назоратнинг барча турларини ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнига тадбиқ қилинган ва ҳар бир экологик назорат тури қайси орган ёки ташкилот томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, қонуннинг 25-моддасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш масаласи ёритилганлиги ҳам навбатдаги ижобий натижалардан биридир. Унга кўра ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни, шунингдек у ўсадиган муҳитнинг муҳофаза қилинишини ҳамда ҳолати яхшиланишини таъминлаётган юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилиши мумкин.

Таклиф сифатида айтиш мумкинки, ушбу норамнинг таъсирчанлиги ва амалий аҳамиятини янада ошириш мақсадида "қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар" жумласини аниқлаштириш ва қандай имтиёзлар берилишини акс эттириш мақсадга мувофиқ. Шундагина фойдаланувчида имтиёзга нисбатан талаб ошиши орқали оқилона фойдаланишга эришилади.

Умуман олганда, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга оид қонунчилик тизимида ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги, мулкчилик масаласига эътибор қаратилганлиги, энг асосийси амалий жиҳатдан ҳаётга тадбиқ қилиш учун муҳим жиҳатлар инobatга олинганлиги генофондни сақлаш ва табиий ресурдан оқилона фойдаланишга замин яратади.

Иқтибослар/Сноски /References

1. Шуваев Ю. Анализ правоприменения лесного и смежного законодательства в России // Устойчивое лесопользование. - Москва, 2005. - №1(7) - С. 36-43.; Писаренко А. Роль Российской Федерации в международных переговорных процессах по лесам // Устойчивое лесопользование. - Москва, 2007. - №3(15) - С. 28-33.; Дженнингс С., Нуссбаум Р., Джадд Н., Эванс Т. Леса высокой природоохранной ценности: Практическое руководство. - М., 2005 (Shuvaev Yu. Analysis of law enforcement of forest and related legislation in Russia // Sustainable forest management. - Moscow, 2005. - № 1 (7) - P. 36-43. ; Pisarenko A. Role of the Russian Federation in the international negotiation processes on forests // Sustainable Forest Management.

- Moscow, 2007. - № 3 (15) - P. 28-33 .; Jennings P., Nussbaum R., Judd N., Evans T. High Conservation Value Forests: A Practical Guide. - M., 2005).

2. Стайнов П. Правовые вопросы защиты природы / Под ред. д.ю.н. Колбасова О.С. - М.: Прогресс, 1974. - С. 75 (Steinov P. Legal issues of nature protection / Ed. Doctor of Law Kolbasova O.S. - M.: Progress, 1974. - P. 75).

3. Штрыюмер Ю. Об охране природы. - М.: ПРОФИЗДАТ, 1975. - С. 28-43 (Shtryumer Yu. On the protection of nature. - M.: PROFIZDAT, 1975. - P. 28-43).

4. Ўрмон ҳуқуқи. Дарслик. Масъул муҳаррирлар: проф. М.Б.Усмонов ва проф. Ж.Т.Холмўминов. - Тошкент: ТДЮИ, 2010.- Б. 26 (orest Law. Textbook. Responsible editors: prof. Usmanov MB and prof. JT Holmuminov. - Tashkent: TSIL, 2010. - P. 26).

5. Алихонов Б.Б. Экологик барқарорлик // Ҳуқуқ ва бурч. - Тошкент, 2010. - 36. - Б. 11-14 (Alihanov B.B. Environmental sustainability // Law and duty. - Tashkent, 2010. - 36. - P. 11-14).

6. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Монография / Под ред. М.Х.Рустамбаева, М.Б.Усманова. - Ташкент: ТГЮИ, 2004. - С. 45 (Fayziev Sh.Kh. Theoretical problems of legal support of the environmental policy of the Republic of Uzbekistan. Monograph / Ed. M.Kh. Rustambaeva, M. B. Usmanova. - Tashkent: TSIL, 2004. -P. 45).

7. Kholmuminov, J. (2019) "ISSUES OF LEGAL REGULATION OF ENVIRONMENTAL PROTECTION AND THE UTILIZATION OF NATURAL RESOURCES IN GERMANY,"Review of Law Sciences: Vol. 3, Article 5. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol3/iss2/5

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Иброҳимов Жамшид Абдугофур ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси мустақил изланувчиси
E-mail: Jama_tilla@mail.ru

АҚШ ВА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАТЛАРИДА ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: Ibrohimov Jamshid Abdugofur ugli. CHARACTERISTICS OF LIABILITY FOR CRIMES RELATED TO TERRORISM IN THE USA AND EUROPEAN COUNTRIES. Journal of Law Research. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 42-50



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-6>

АННОТАЦИЯ

Мақолада АҚШ ва Европа мамлакатларидида терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари баён этилган. Шунингдек мақолада терроризмга қарши кураш соҳасидаги хорижий давлатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: терроризм, жиноят, жиноий жавобгарлик, терроризм фаолиятини молиялаштириш, терроризмнинг олдини олиш.

Иброҳимов Жамшид Абдугофур угли,
Самостоятельно соискатель Академии
Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан
E-mail: Jama_tilla@mail.ru

ХАРАКТЕРИСТИКИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С ТЕРРОРИЗМОМ, В США И ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАНАХ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются особенности ответственности за преступления,

связанные с терроризмом, в США и Европе. В статье также приводится сравнительный анализ законодательства зарубежных стран в борьбе с терроризмом.

Ключевые слова: терроризм, преступность, уголовная ответственность, финансирование террористической деятельности, предотвращение терроризма.

Ibrohimov Jamshid Abdugofur ugli,
Independent researcher of Academy
of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: Jama_tilla@mail.ru

CHARACTERISTICS OF LIABILITY FOR CRIMES RELATED TO TERRORISM IN THE USA AND EUROPEAN COUNTRIES

ANNOTATION

The article highlights the specifics of liability for terrorism-related crimes in the United States and Europe. The article also provides a comparative analysis of the legislation of foreign countries in the fight against terrorism.

Keywords: terrorism, crime, criminal responsibility, financing terrorist activity, prevention of terrorism.

Европа мамлакатларида ҳам терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни дифференциация қилиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, Европа Кенгашининг 2005 йилдаги Терроризмнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенциясида ҳар бир томон террористик жиноятларни содир этишга оммавий ундаш (5-модда), террористларни тайёрлаш (7-модда), терроризм билан боғлиқ бошқа жиноятлар (9-модда) учун самарали, мутаносиб ва мантиқий жазони белгилаш учун зарур бўлган чораларни кўриши белгиланган. Хусусан, терроризмга қарши кураш соҳасидаги хорижий давлатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили ушбу Конвенцияларни ратификация қилган аксарият давлатларда ушбу тавсиянома тўлиқ бажарилганлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Туркия, Исроил давлатларида терроризм учун жавобгарликни кучайтириш чора-тадбирлари террорчилик фаолияти билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий сиёсатни кучайтириш, шу жумладан, молиявий манбаларни тўсиш терроризм, жиноий жавобгарликни кучайтириш ҳамда жиноят-ҳуқуқий профилактика чоралари ҳажмини оширишга қаратилган.

Шу билан бирга, адабиётларда хорижий давлатларнинг (Австрия, Австралия, АҚШ, Белгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Испания, Исроил, Италия) терроризмга қарши қонунчилиги тизими учта асосий модел билан ифодаланади: комплекс (Италия, Украина, Франция, Россия Федерацияси, Ўзбекистон), жиноят-ҳуқуқий (Ветнам, Германия, Грузия, Испания) ва криминологик (Буюк Британия, Исроил, Филиппин, Япония) моделлар.

Комплекс моделнинг ўзига хос хусусияти терроризмга қарши кураш бўйича чоралар ҳам махсус қонунларда, ҳам жиноят-ҳуқуқий нормаларда тартибга солинишида намоён бўлади. Бунда терроризмга қарши кураш соҳасидаги қонунчиликнинг нисбатан афзали сифатида комплекс моделни кўрсатиш мумкин,

чунки у жиноят-ҳуқуқий ва криминологик нормаларни ўзида мужассам этади.

Хусусан, Францияда терроризм учун жавобгарлик Жиноят кодекси билан бир қаторда махсус қонунларда, масалан, 1977 йилги "Терроризм учун жазо тайинлаш тўғрисидаги Европа Конвенцияни қўллаш тўғрисида", 1986 йилги "Терроризм ҳамда давлат хавфсизлигига тажовузларга қарши кураш тўғрисида"ги қонунларда ҳам тартибга солинган. Франция Жиноят кодекси 4-китоби, 2-бўлими, 1-боби "Террористик ҳаракатлар" учун жавобгарликни белгилайди. Францияда террористик ҳаракатларга кўмаклашиш, терроризмни молиялаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланганмаган. Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик юқорида кўрсатилган қонунларда келтирилган. Шу билан бир қаторда, Франция Жиноят кодексининг 121-6-моддасида юридик шахсларнинг террористларга террористик мақсадларда ҳар қандай ёрдам кўрсатиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Италия қонунчилиги ҳам худди шундай ёндашув асосида шакллантирилган. Хусусан, Италияда терроризм ва у билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик Жиноят кодексида ҳамда "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунда белгиланган. Бунда, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунда террорчилик ҳаракатларига айланиб кетиши эҳтимоли бўлган ташкилий ва тайёргарлик ҳаракатлари, шунингдек, терроризмни молиялаштиришни ташкил этувчи ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Бошқа мамлакатлардаги аксарият қонунларда бўлгани сингари Италиянинг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунида ҳам терроризмга аниқ таъриф берилмаган. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ва демократик тартиботни йўқ қилиш мақсадида ташкил қилинадиган гуруҳ, бирлашмалар ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, Италия Жиноят кодексининг 270-1-моддасида террорчилик ҳаракатини содир этиш ва жамоат тартибини бузиш мақсадида ташкилот тузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага биноан бундай ташкилотни тузган, фаолиятини йўлга қўйган ёки унга раҳбарлик қилган, шундай фаолиятни тарғиб қилган ва демократик тартиб-таомилларни бузиш учун зўрлик ҳаракатларини амалга оширган шахс 15 йилгача қамоқ жазоси билан жазоланади[1, С. 35-36].

Италиялик ҳуқуқшунослар Италия жиноят қонунчилигининг терроризмга қарши муваффақиятли курашишга имкон берадиган қуйидаги йўналишларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар:

1) давлатда террорчилик ҳаракатини амалга ошириш ва конституциявий тузумга тажовуз қилишни мақсад қилган ташкилотлар аъзоси бўлган шахсларни (1980 йилги Қонун), шунингдек, жиний уюшмаларга тегишли бўлган шахсларни (1982 йилги Қонун) ҳамда гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланадиган ташкилотларни (1990 йилги Қонун) жавобгарликка тортиш;

2) жиний даромадларни легаллаштириш билан шуғулланувчиларни жиний жавобгарликка тортиш. Италиянинг жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги сўнгги йилларда халқаро ҳамкорлик таъсирида сезиларли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Айниқса, 1990 йилда Страсбургдаги Европа конвенцияси (Италия томонидан 1993 йилда 328/1993 Қонун билан ратификация қилинган) бу йўналишдаги қонунчиликни ривожлантиришга муҳим таъсир кўрсатди.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг криминологик тизими унинг ҳуқуқий асослари фақат махсус қонунлар нормаларида ўрнатилиши билан ажралиб туради. Бунга ёрқин мисол сифатида Буюк Британиянинг терроризмга

қарши кураш соҳасидаги қонунчилигини келтириш мумкин. Ушбу мамлакатда "Contest" қисқартмаси билан маълум бўлган узоқ истиқболга мўлжалланган ҳамда "олдини олиш", "жиной таъқиб этиш", "ҳимоя" ва "тайёр бўлиш" каби терроризмга қарши тўртта йўналишни ўз ичига олувчи стратегия ишлаб чиқилган. Мазкур тўрт йўналиш, мақсадни ўз ичига олган терроризмга қарши самарали курашиш услуби Европа Иттифоқида кенг қўлланилади[2].

Таъкидлаш лозимки, Буюк Британияда терроризмга қарши қонунчиликнинг ривожланиш тарихи бешта махсус қонун билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, 1974 йилда "Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши натижасида терроризмни молиялаштириш, терроризм ҳақида хабар бермаслик, терроризмда айбланган шахсларни яшириш учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Умуман олганда, Буюк Британиянинг терроризмга қарши қонунчилиги таҳлили у XX асрнинг охирига қадар Шимолий Ирландияда мавжуд бўлган фавқулодда муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ҳамда вақтинчалик хусусиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Терроризм тобора глобаллашгани сайин, Буюк Британиянинг терроризмга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ҳам кучайиб, вақтинчалик нормалар доимийга айланиб борди. Хусусан, 2000 йилда қабул қилинган "Терроризм тўғрисида"ги Қонун ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ушбу Қонун илк маротаба терроризмнинг барча шакллари қамраб оладиган доимий қонунчилик базасини шакллантириш учун тамал тошини қўйди.

Мазкур Қонунда терроризм билан боғлиқ бўлган қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилди:

ўқотар қуроллар, портловчи материаллар, кимёвий, биологик ёки ядровий қуролларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланишга ўргатиш ёки шу мақсадда ўқувдан ўтиш; ёхуд Буюк Британияда ёки унинг ҳудудларидан ташқарида бошқа шахсни шу мақсадда ўқувдан ўтишга таклиф қилиш;

террорчилик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотга раҳбарлик қилиш;

тўлиқ ёки қисман Буюк Британиядан ташқарида бошқа шахсни террорчилик ҳаракатини амалга оширишга ундаш;

террорчиларга пул маблағи ёки мулкни тўплаш ёхуд бериш;

террорчилик ҳаракатининг олдини олишга имкон бериши мумкин бўлган маълумотларни тақдим этишни рад этиш.

Ушбу Қонунда "терроризм" тушунчасига қўшимча равишда, террорчиларни ва террористик ташкилотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни учун жавобгарликни белгиловчи қатор жиноят таркибларини белгилаган. Хусусан, мазкур Қонуннинг 54-моддасида бевосита терроризм ва террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш, 55-моддасида эса, террористик ташкилотга раҳбарлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Террорчилик фаолиятининг молиявий жиҳатлари билан боғлиқ жиноятлар алоҳида гуруҳга бирлаштирилган (15-18-моддалар). Улар сирасига - террорчиларни молиялаштиришда фаол ёки пассив иштирок этиш; терроризм мақсадларда пул ёки бошқа мулкдан фойдаланиш ёхуд уларга эғалик қилиш; терроризм мақсадлари учун маблағ жалб этиш мақсадида битим тузиш ҳамда террорчилар манфаатлари учун жиноий даромадларни легаллаштириш кабилар киради. Кўрсатиб ўтилган барча жиноятлар учун 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган [1, С. 35-41].

2005 йилда "Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда 2006 йилда унинг ўрнига "Терроризм тўғрисида"ги янги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун

терроризмнинг янги таърифини киритди ва терроризмга ундаш (далолат қилиш), террорчилик ташкилотлари нашрларини тарқатиш ва террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек, террорчиларни тайёрлаш билан боғлиқ қўшимча жиноятлар учун жавобгарликни белгилаб берди.

Ушбу Қонун, шунингдек, полиция ва тергов идораларининг ҳамда давлат котибининг (ички ишлар вазири - муаллиф таҳрири) терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатларини кенгайтди. Хусусан, давлат котибига терроризмни оқлашга (қўллаб-қувватлашга) дахлдор деб топилган гуруҳларни ноқонуний деб тан олиш ваколати берилди.

Ушбу қонунда террорчилик фаолиятини тарғиб қилиш кенг маънода талқин қилинади. Хусусан, 1(2)б-моддага мувофиқ, шахс ўз нашрлари ва баёноتلари учун, башарти у терроризмни оқлаш ёки адоват қўзғатиш мақсадини кўзламаган бўлса ҳам, лекин материалларни шу тарзда талқин қилиш мумкин бўлса, терроризмга ёрдам берганликда айбланиши мумкин. Ёки бўлмаса, 2(2)б-моддада террористик ҳаракатга тайёргарлик кўриш учун ишлатилган ва муҳим маълумотларни ўз ичига олган адабиётлар жинойий деб тан олинади.

Юқорида кўрсатилган Қонунда банк фаолиятига боғлиқ шахслар учун жинойий даромадларни легаллаштириш бўйича "ишончли" тахминлар мавжуд бўлганда ҳисобот бериш мажбуриятини кўзда тутди. Терроризмга мўлжалланган ва (ёки) терроризмдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ маблағларни легаллаштириш терроризмга тенглаштирилган. Шунингдек, банк сирига нисбатан чеклов ҳам ўрнатилган, унга кўра, башарти одамнинг террорчилар билан алоқаси тўғрисида кам миқдорда бўлсада, шубҳа мавжуд бўлса, полиция пул ўтказмалари тўғрисида маълумот сўрашга ҳамда суд санкцияси асосида ушбу ўтказмаларнинг баланси ва ҳажмини билишга ваколатли ҳисобланади.

АҚШнинг Терроризмга қарши стратегиясида (2011) терроризмга қарши курашнинг мақсад ва вазифалари аниқ давлатлар ва минтақалар билан боғланган. АҚШнинг аксилтеррорчилик ҳаракатларининг асосий мақсади Ал-Қоида тармоғини, унинг бўлинмалари ва тарафдорларини йўқ қилишдан иборат.

Канадада терроризмга қарши кураш борасида алоҳида стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади аниқ стратегик мақсад атрофида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва разведка хизматларини жалб қилиш ва кучайтириш, мамлакатнинг ёндашуви ва терроризмга қарши кўрсатмаларини муҳокама қилиш, янги ва такомиллаштирилган терроризмга қарши кураш чораларини шакллантириш ва терроризм таҳдидларининг моҳиятини умумлаштириш учун шароит яратишдир. Мазкур стратегия тўртта элемент орқали ишлайди: олдини олиш (огоҳлантириш), аниқлаш, тақиқлаш ва жавоб (жавоб)[3].

Терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг криминологик тизимида Исроил қонунчилигини ҳам киритишимиз мумкин. Таъкидлаш зарурки, Исроил ҳудудида объектив зарурат туфайли, фуқароларни террористик ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари изчил равишда такомиллаштириб борилади. Ҳозирги вақтга келиб, бир қатор қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларга мувофиқ террорчилик ҳаракатининг вужудга келиши ёки амалга оширилишига шароит яратган у ёки бу ҳаракатлар жиноят ҳисобланади.

Хусусан, Исроилда 2007 йилда "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" Қонун қабул қилинган бўлиб, унда террорчилик фаолиятига кўмаклашишга кенг шарҳ берилган. Хусусан, зўрлик ҳаракатларини оғзаки ёки ёзма мақташ, маъқуллаш ёки рағбатлантириш, террорчилик ташкилоти фаолиятини тарғиб қилувчи

материалларни сақлаш, у билан ҳамфикрлигини намоиш қилиш (террорчилик ташкилоти байроғини кўтариш, герби ёки шиорини кўрсатиш, жамоат жойида мадҳиясини куйлаш) ва бошқалар террорчилик ташкилотини қўллаб-қувватлаш деб ва шу асосда жиноят деб топилади.

Исроилда қабул қилинган аксилтеррорчилик доктринасига биноан, нафақат террорчилик ҳаракатлар бажарувчилари, балки унинг ташкилотчилари, мафкуравий ва молиявий ташкилотчилари ҳам жисмонан йўқ қилиниши лозим.

2007 йилда Туркиянинг терроризмга қарши соҳасида янги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунда терроризм деб баҳоланадиган анъанавий жиноятлар билан бир қаторда, фоҳишалик, одам контрабандаси ва одам савдоси, гиёҳванд моддалар ва қуролларни сотиш, кредит карталарини сохталаштириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, компьютер тизимларини бузиш, қасддан одам ўлдириш ва таълим олишга тўсқинлик қилиш ҳам ушбу жиноятга тенглаштирилди. Шунингдек, террористик ташкилотларнинг мурожаат ва баёнотларини матбуотда эълон қилиш, шунингдек уларнинг гоёларини тарғиб қилиш ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилди. Хусусан, Қонунда босма оммавий ахборот воситалари учун катта миқдордаги жарималар ва улар фаолиятини 15 суткагача тўхтатиб қўйиш назарда тутилган.

Терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари Япония ва Филиппиннинг махсус қонунларида ҳам мустақкамланган. Ушбу мамлакатларнинг жиноят қонунларида терроризмга қарши аниқ нормалар мавжуд эмас.

Террористик фаолиятни рағбатлантиришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий модели ушбу ҳаракатлар учун жавобгарликни жиноят қонуни доирасида амалга оширишни назарда тутди. Чунончи, Испаниянинг 1995 йилдаги Жиноят кодексига ушбу жиноятларга (қурол, ўқ-дориларни ёки портловчи моддаларни олиш, сотиш ва сақлаш, терроризмга) оид алоҳида V боб мавжуд. Хусусан, Испания Жиноят кодексининг 517-моддасида шундай дейилган: "Конституциявий тузумни ағдариш ёки жамоат тинчлигини жиддий равишда бузиш мақсадида қуролланган тўдалар, гуруҳлар ёки уюшмалар аъзоси бўлиб, уларга ёлланиб ёки улар билан ҳамкорлик қилиб, портлатиш, ўт қўйиш билан шуғулланса ҳамда уларнинг ҳаракатларида шахснинг ҳаётига ёки соғлиғига қасд қилиш билан боғлиқ бошқа жиноят таркиби бўлмаса, 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Австрия Жиноят кодексининг 278d-моддасида терроризмни молиялаштириш учун жавобгарлик назарда тутилган. Хусусан, унга кўра, мулкни тўплаган ёки йиққан ҳар қандай шахс, улар қисман бўлса ҳам: а) ҳаво қароқчилиги ёки ҳаво ҳаракати хавфсизлигига таҳдид қилиш; б) товламачилик ёки товламачилик мақсадида таҳдид қилиш учун ўғирлаш; в) халқаро-ҳуқуқий ҳимояда бўлган шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки эркинлигига тажовуз қилиш ёки инсоннинг уйида, идорасида унинг соғлиғи, ҳаёти ёки эркинлигига таҳдид соладиган зўрлик ишлатиш ёки бундай шахснинг транспорт воситасига ҳужум қилиш мақсадларида ишлатилишини билса, терроризмни молиялаштирганлик учун жавобгарликка тортилади.

Вьетнамнинг терроризмга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ҳам ушбу тизимга мос келади. Вьетнам қонунчилигида терроризм билан боғлиқ барча ҳаракатлар тақиқланган бўлиб, жиноятчилар, уларнинг шериклари ва воситачиларининг бундай ҳаракатларининг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган аниқ қоидаларни мустақкамлайди.

Вьетнам Жиноят кодексига терроризм ва у билан боғлиқ бўлган турли жиноий

ҳаракатлар учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Вьетнам қонунчилигида ёлланиш, шунингдек, террорчиларга қурол-аслаҳа ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишни қатъиян тақиқлайди. Шу билан бир қаторда, инсонлар ўлимига олиб келувчи, моддий бойликларни йўқ қилиш натижасида жуда катта зарар етказувчи зўрлик ҳаракатлари, жамоат тартибини бузадиган, миллий хавфсизликка путур етказадиган, уюшган жиноятлар учун қатъий тақиқлар ва оғир жазолар назарда тутилган. Мазкур ҳаракатлар учун Жиноят кодексининг битта моддаси бўйича 20 йилдан то умрбод озодликдан маҳрум этишгача ҳамда ўлим жазоси ҳам қўлланилиши мумкин[1, С. 39].

Учинчи моделга мансуб давлатлар сирасига яна Германия Федератив Республикасини ҳам киритишимиз мумкин. Германияда терроризм учун жавобгарлик тўғрисидаги асосий қоидаларни бирлаштирадиган махсус қонун қабул қилинмаган.

Гарчанд, Германияда 1986 йил 19 декабрда "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги алоҳида Қонун қабул қилинган бўлсада, у моҳият-этиборига кўра, Германия Жиноят кодекси ва "Германиянинг суд тизими тўғрисида"ги Қонуни нормаларини терроризмга қарши кураш эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган эди.

Шунингдек, 2001 йилда ҳам норасмий равишда "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" деб номланадиган Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун асосида ҳам 1977 йил 30 сентябрда қабул қилинган "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиришлар киритилиб, унда зудлик билан ҳибсга олинган террорчининг ташқи дунё билан алоқаларини тақиқлаш масаласи назарда тутилган.

Юқорида айтилганларга асосланиб, Германияда терроризмга қарши ҳуқуқий нормаларнинг асосий манбаи 1871 йилги Жиноят кодекси (1998 йилда ўзгартирилган) ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин. Шундай қилиб, Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 129а-моддаси мақсади ёки фаолияти қуйидагиларга қаратилган террористик жамоаларни ташкил этиш учун жавобгарликни белгилайди: 1) оғир қотиллик, қотиллик ёки геноцид (211, 212 ва 220а-моддалар), 2) 239а ёки 239б-моддаларда назарда тутилган ҳолларда шахсий эркинликка қарши жиноятлар ёки 3) 305-моддада назарда тутилган жиноий ҳаракатлар ёки 306-308, 310б, 311, 311а, 312, 315, 316б-моддаларда назарда тутилган ҳолларда. Ушбу ҳаракатлар бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Агар шахс ташкилотчи ёки даъват этувчи бўлса, у олти ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу ташкилотнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаган ёки унга одамларни жалб қилган ҳар бир киши олти ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу модданинг учинчи қисмида жиноий уюшманинг террорчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ёки унга одамларни жалб қилиш бўйича ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

1986 йил 19 декабрдаги "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонун асосида Жиноят кодекси 130-модда билан тўлдирилиб, унда махсус профилактик чора сифатида "Жиноят содир этишга ундаш" учун жавобгарлик назарда тутилди. Моҳиятан бу жиноятга далолат қилиш бўлсада, ГФР ЖК ушбу далолатчиликни махсус кесик таркиб сифатида баҳолайди ҳамда унга алоҳида ном беради - нодалолатчилик (Anstiftung), яъни жиноят содир этишга ундаш (Anleitung). Бундай турдаги хулқ-атвор (жиноят содир этишга ундаш) у ёки бу шахснинг бошқа шахс томонидан жамоат осойишталигини бузувчи у ёки бу жиноятни содир этишга

шайликни вужудга келтириш учун мўлжалланган матнни тарқатиш, оммавий ошкор қилиш, реклама қилиш ёки бошқача усулда уни бошқаларга маълум қилишда намоён бўлади.

Мазкур тоифа жиноятларга юқорида санаб ўтилган ҳаракатлардан ташқари яна оммавий тартибсизликлар (Landfriedensbruch), оғир тан жароҳати етказиш, одамларни чет элга олиб чиқиб кетиш ёки қулчиликка солиш мақсадида ўғирлаш, босқинчилик, товламачилик кабилар ҳам киритилган.

Грузия Жиноят кодексида ҳам терроризм билан боғлиқ бир қатор жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, чет эл террорчи ташкилотига ёки чет эл давлати назорати остидаги шундай ташкилотнинг террорчилик фаолиятида ёрдам бериш жавобгарлик белгиланган. Аммо, Грузия ЖКда терроризм фаолиятини молиялаштириш учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масалалари Болтиқбўйи давлатларида ҳам сўнгги йилларда ривожланиб бормоқда. Хусусан, Латвия Республикасида 2018 йил 26 апрелда Сейм (Латвия парламенти) Латвия Республикасининг Жиноят кодексини "Терроризм билан боғлиқ жиноятлар" учун жавобгарликни белгиловчи янги IX1-бўлим билан тўлдирувчи қонун қабул қилди.

Ўз даврида 2008 йил 12 январда - Латвия Республикаси Жиноят кодексига терроризмга даъват этиш учун жавобгарликни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритилган эди. Ўша даврда Латвия ЖК "Терроризмга даъват қилиш ёки у билан таҳдид қилиш" учун жавобгарликни назарда тутувчи 88.2-модда билан тўлдирилган. Кейинчалик 2012 йил 13 декабрда 88.2-модданинг санкция қисмига ўзгартириш киритилиб, ушбу жиноят учун яна бир янги жазо тури - уч йилгача пробация назорати белгиланиши мумкинлиги назарда тутилди.

2015 йил 22 октябрда Европа Кенгашининг Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига (2005 йил 16 майда қабул қилинган) қўшимча протокол имзоланиб, унда аъзо мамлакатлар олдин криминализация қилинмаган бир қатор хатти-ҳаракатларни, шу жумладан, террорчилик гуруҳида қасддан иштирок этганлик, терроризмга тайёргарлик кўриш ҳамда терроризм ва бундай ҳаракатни молиялаштириш ёки ташкиллаштириш учун бошқа давлатга чиқиш ва ҳоказолар учун жинойий жавобгарликни белгилашни назарда тутувчи тузатишларни қабул қилдилар. Латвия ушбу протоколни 2015 йил 22 октябрда имзолаган ҳамда 2017 йил 11 майда ратификация қилган.

Европа Парламенти ва Кенгашнинг 2017 йил 15 мартдаги Терроризмга қарши кураш бўйича (EU) 2017/541 Директиваси Европа Кенгашининг 2002/475/ЖНА Доиравий қарорини бекор қилди ҳамда Европа Кенгашининг 2005/671/ТІ қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Мазкур Директивада иштирокчи-давлатлар зиммасига 2018 йил 30 сентябрга қадар ўз қонун ҳужжатларини ушбу ҳужжатга мослаштириш талаби белгилаб қўйилди. Ушбу халқаро мажбуриятлар Латвия Республикаси ЖКга тегишли ўзгартишлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилди[4].

Иқтибослар/Сноски/References

1. Серебряков А.В. Зарубежный опыт криминализации содействия террористической деятельности // Вестник Краснодарского Университета МВД России. - Краснодар, 2010. - №2. - С. 35-36 (Serebryakov A.V. Foreign experience in criminalizing the promotion of terrorist activities // Bulletin of the Krasnodar University

of the Ministry of Internal Affairs of Russia. - Krasnodar, 2010. - № 2.).

2. EU Action Plan on combating terrorism / EU Counter-Terrorism Coordinator. - Brussels, 2011. - January. - [Электронный ресурс]. - Режим доступа (EU Action Plan on combating terrorism / EU Counter-Terrorism Coordinator. - Brussels, 2011. -- January. - [Electronic resource]. - Access mode): <http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/10/st15/st15893-re01.en10.pdf>.

3. Building Resilience Against Terrorism: Canada's Counter-terrorism Strategy [Электронный ресурс]. - Режим доступа (Building Resilience Against Terrorism: Canada's Counter-terrorism Strategy [Electronic resource]. - Access mode):

<http://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsres/pblctns/rslnc-gnst-trrrsm/rslnc-gnst-trrrsm-eng.pdf>.

4. Эрикс Трэлс. Ответственность за оправдание терроризма, прославление терроризма и призывы к терроризму в уголовном законе Латвийской Республики // De securitate et defensione. - 2018. - №2(4). - С.40 (Eric Traels. Responsibility for the justification of terrorism, the glorification of terrorism and appeals for terrorism in the criminal law of the Republic of Latvia // De securitate et defensione. - 2018. - № 2 (4). - P. 40).


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО**

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Ҳарбий - техник институти
доценти, юридик фанлар номзоди.
E-mail: zulfikorov.sherzod@mail.ru

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation: Zulfikorov Sherzod Khurramovich. ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF CANDIDATE'S ACTIVITY IN THE FORMATION OF THE LEGISLATIVE CHAMBER OF THE OLIY MAJLIS. Journal of Law Research. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 51-59

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-7>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод кўрсатиш тартиби, депутатликка номзод фаолиятининг ҳуқуқий асослари, халқаро нормалардаги сайланиш тартиб қоидалари, хорижий тажриба, номзодларга қўйилган талаблар, сайловолди ташвиқотларини амалга ошириш тартиби, назарий ва илмий таҳлил, амалий маълумотлар, яқунда ўрганиш орқали илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Депутат, вакил, сайлов, сайловчи, номзод, сиёсий партиялар, Сайлов кодекси, қонун, халқаро ҳужжат

Зулфиқаров Шерзод Хуррамович,
Доцент Военно-технического института
Национальной гвардии Республики Узбекистан
кандидат юридических наук
E-mail: zulfikorov.sherzod@mail.ru

ОРГАНИЗАЦИОННО - ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАНДИДАТЫ ДЕПУТАТОВ ПО ФОРМИРОВАНИЮ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ ОЛИЙ МАЖЛИСА

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются процедуры выдвижения кандидатов в Законодательную палату Олий Мажлиса, правовые основы выборов кандидата, международные избирательные правила, зарубежный опыт, требования к кандидатам, порядок проведения избирательных кампаний, теоретический и научный анализ, разработаны практические рекомендации.

Ключевые слова: депутат, представитель, выборы, избиратель, кандидат, политическая партия, Избирательный кодекс, закон, международный документ

Zulfikorov Sherzod Khurramovich,
Associate professor of Military and
Technical Institute of National Guard
of the Republic of Uzbekistan,
PhD in Law
E-mail: zulfikorov.sherzod@mail.ru

ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF CANDIDATE'S ACTIVITY IN THE FORMATION OF THE LEGISLATIVE CHAMBER OF THE OLIY MAJLIS

ANNOTATION

This article describes the procedure for nominating candidates to the Legislative Chamber of the Parliament, the legal framework, international standards, requirements for candidates, election campaigns, practical information, theoretical and scientific recommendations.

Keywords: Deputy, representative, election, elector, candidate, political party, Election Code, law, international document

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шакллантирилиши давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ҳокимиятининг амалда бўлишини тўлиқ таъминлашни назарда тутди. Демократик давлатчиликни шакллантириш, ўз навбатида, бир қатор ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ мураккаб ва давомли сиёсий жараёндир.

Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг қанчалик самарали амалга оширилиши унинг аъзолари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Депутатга халқ вакили сифатида жуда катта масъулият юклатилади, чунки, унинг фаолияти ортида бевосита сайловчиларнинг манфаатлари ётади. Депутатнинг ўз ваколатини бевосита халқдан олиши ва халқнинг манфаатларига хизмат қилиши эса демократиянинг муҳим кўринишларидан биридир. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам мазкур тизимни амалда таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек:

"Депутат - фикри зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс"[1, С. 540].

Депутат фуқароларнинг вакиллик органдаги вакили сифатида, ўз фаолиятларини бевосита сайловчилар билан ҳамкорликда олиб боради. Қолаверса, қонунчилик жараёнида бевосита иштирок этиб, бутун халқнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлашга қаратилган қонунлар яратишда қатнашади.

Депутат фаолияти мазмуни ўзига хос жиҳатлари билан тубдан ажралиб туради: депутат сайланадиган шахс, у ўзи сайланган сайлов округи ҳудудида яшовчи фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилади, у ўз сайловчиларининг вакили сифатида тегишли вакиллик органларида иштирок этади.

Депутат биринчи навбатда ўзини сайлаган сайловчилари олдида, қолаверса, бутун халқ олдида маъсулдир. Депутат ўз фаолиятини профессионал тарзда олиб борар экан, ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий жараёнлардаги муносиб иштироки билан фуқаролар ишончини оқламоғи лозим. Ҳар қайси депутат ўзининг шаъни, бурчи ва қадр - қимматини англаши, шу хусусиятларни амалиётда намоён қилиши лозим.

Демак, депутат - давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловчилар томонидан бевосита сайланадиган ҳамда ушбу органлар ваколатларини амалга оширишда иштирок этадиган, бутун халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи масъул шахсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партия вакиллари билан учрашувида қўйидаги фикрларга алоҳида тўхталиб ўтган эдилар: "Айни пайтда бугун замоннинг ўзи барчамиздан, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг вакиллари, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлишни, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда[1, С. 541]. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда юксак маъсулиятли қонунчилик юкини ўз зиммасига олган ҳар бир депутат, халқ манфаатларини амалда рўёбга чиқаришга интилувчи вакил сифатида намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, сайлов демократиянинг энг муҳим жараёнларидан бўлиб, сайлов қонунчилигини тизимлаштириш, такомиллаштириш масалалари қонунчилик жараёнининг долзарб вазифаларидан биридир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бўлиб, фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Айниқса бу борада Парламент сайловлари мамлакат аҳолисининг иродаси ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш - иродаси, орзу - умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши - буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида, Мен ҳурматли депутатларимиздан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда шунчаки

кузатувчи ёки эксперт эмас, балки ташаббусни ўз қўлларига олиб, бевосита лойиҳа ташаббускори ва ижодкори бўлишларини илтимос қиламан. Улардан сайловчилар, халқимиз ҳам шуни кутмоқдалигига алоҳида эътибор қаратдилар[2].

Ўзбекистон Республикасида эркин демократик жамиятнинг шаклланиши халқ сайлаган депутатлар фаоллигига боғлиқдир. Бугунги депутатликка номзод дунё сиёсатидан теран огоҳ, минтақада ва ер юзида содир бўлаётган глобал муаммолардан хабардор, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ҳис қилиш қобилиятига эга, маданиятли шахс бўлмоғи лозим. У халқ ҳузурига чиқаркан, унинг кўзларига тик боқиб, ёлғонлар тўқиши мумкин эмас[3].

Халқаро нормаларда ҳам фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари ўз ифодасини топган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21- моддасида, ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 25-моддаси "а" бандида инсон, ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда қатнашиши кўрсатилган.

Сайловнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу фуқароларнинг ўз хоҳиш - иродаларини изҳор этишларидир. Ўз навбатида, депутатлик мандатларига кимлар номзодларини таклиф этиши, депутатни сайлашда сайловчиларнинг қай миқдордаги овозлари зарур эканлиги, номзодларни таклиф этган сиёсий партиялар орасида депутатлик мандатлари қандай тақсимланиши, сайловларни ташкиллаштириш тартиби ва натижаларини аниқлашнинг қонунийлиги масалалари ҳам жуда муҳим жараён ҳисобланади.

Халқаро тажриба нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, депутатлик учун номзодликка белгиланган ёш цензлари турличалигини кўришимиз мумкин. Хусусан, халқаро амалиётда сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш, жумладан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига номзодини қўйган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Европа парламентида ҳам худди шундай 23 ёшга етган бўлиши лозим ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасида умумий сайлов ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар. Таъкидлаш лозимки, бу қоидаларнинг амалда бўлиши аксарият ривожланган давлатлар қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлсада, афсуски, ҳанузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини қўйган эдилар[4]. Мазкур кодекс 2019 йил 25 июнда қабул қилиниб, 6-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун бир юз элликта ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланишлиги белгилаб қўйилди. Мазкур қоида сиёсий партиялар ўртасида жорий йилда кутилаётган давлат ҳокимимияти вакиллик органларига сайловларда ҳақиқий рақобатни кафолатлаб қўяди десак, янгилишмаган бўламиз.

Умуман, Республикамизда депутатлар сонининг бу тарзда ўзгариши парламентнинг қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш зарурияти билан

боғлиқ ҳол, деб изоҳлаш мумкин. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қарайдиган бўлсак, қуйи палата аъзоларининг сони Бельгияда 150 та, Россияда 450 та, Италияда 630 та, Японияда 500та, Германияда 669 та, АҚШда 435 та ва ҳакозо[5].

Ўзбекистон Республикасида сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун рўйхатга олинган сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 150 та номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар белгиланган тартибда ҳал этадилар. Сиёсий партиялар фақат ушбу партия аъзоларинигина эмас, балки партиясизларни ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Хотин - қизларнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини ҳисобга олиб, уларнинг сони сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодлар сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозим.

Хотин - қизлар номзодларининг сайловларда депутатликка кўрсатилишининг кўпайиб бориши, ҳар бир демократик давлат учун ижобий ҳолдир. Ўзбекистон Республикасида ҳам сайлов жараёнида хотин - қизлар иштирокининг кенгайиши, хотин -қизларнинг ижтимоий, сиёсий доирада фаоллашувидан дарак беради.

2019 йилдаги сайловларда 2014 йилга нисбатан сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодларнинг сони ўн фоиздан юқорилиги кўп нарсадан далолат беради.

Хорижий давлатлар ҳуқуқи тарихига назар ташласак, жаҳондаги демократик давлатлардан бири ҳисобланган Швейцарияда аёллар ўзларининг сайлов ҳуқуқларига фақатгина 1971 йилда эришдилар холос. Баъзи бир мусулмон давлатларида ҳанузгача аёллар сайлов ҳуқуқларига эга эмаслар[6].

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 71-моддасида. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар белгиланган бўлиб, унга мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадир.

Шу билан бирга қуйидагилар:

содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

Франция давлатида парламент аъзолигига номзод қўйишликнинг ўзига хос талабларини кузатишимиз мумкин. Жумладан, ҳарбий хизматни ўтамаган, Жиноят кодексининг айрим моддалари билан судланганлар ўз номзодларини сайловга қўйишлари тақиқланади.

Аксарият ривожланган давлатларда сайлов ҳуқуқларига фақатгина ўша давлат фуқароларинигина эга эканлигини қайд этишимиз мумкин. Фуқаролиги бўлмаган, чет эл фуқаролари сайловларда қатнаша олмайдилар. Шу билан бирга парламент аъзолигига маълум вақт ўша ҳудудда доимий яшаганлик талаб этилади. Масалан,

АҚШда 1787 йилги Конституциясининг 3- моддасига кўра АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатасига камида 7 йил АҚШ фуқароси бўлиб, муқим яшаган шахслар сайланиши мумкин. Аргентинада натурализация асосида фуқароликни қабул қилган шахслар 3 йил ўтганидан кейин, Тунисда эса беш йил ўтганидан кейин ўз номзодларини депутатликка илгари суришлари мумкин[7].

Бизнинг мамлакатимизда сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги 5 йил мобайнида Ўзбекистон ҳудудида домий яшамаган фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар. Бизнинг фикримизча бундай талаб адолатлидир. Зотан, 5 йил мобайнида фуқаролар онгида, умуман жамиятда ҳам жиддий ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар рўй беради. Таркиб топган анъаналарда ва қоидаларда ўзгаришлар рўй бергани учун ҳам ҳар қандай шахс ўзи учун нотаниш бўлган вазиятда тўғри қарорга келишига, ўзи узоқ вақт мобайнида яшамаган жамиятнинг эҳтиёж, талаб ва манфаатларини англаб олиш ва тушунишга қийналади. Бундай талаб депутатликка номзод сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишининг омили тариқасида унинг ўз Ватанига меҳри, садоқатини кучайтириш хоҳиши билан ҳам изоҳланади.

Профессор О.Т.Ҳусанов қуйидаги фикрларни билдирган: "Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатлари профессионал асосда ишдан ажралган ҳолда доимий фаолият юритади. Шунинг учун қонунда номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатда, номзод депутат этиб сайланадиган бўлса, бажариб турган ишидан бўшаши ҳақидаги аризаси талаб қилиниши (аввал бундай талаб ҳамма номзодлар учун эмас, айрим депутатлик лавозими билан қўшилиши мумкин бўлмаган шахслардан талаб этиларди) кўрсатилди"[8].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгадир. Сиёсий партиялар нафақат ўз аъзоларини, балким партияга аъзо бўлмаганларнинг ҳам номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Биз илгариги сайловларда маҳаллий давлат вакиллик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлар орқали ҳам номзод кўрсатиш механизмидан фойдаланадик. Аммо бу тартиб ўзининг ижобий натижасини кўрсатмади. Демократик жараёнларда сиёсий партияларнинг ўзаро рақобатбардошлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатидаги мақомин мустаҳкамлаш мақсадида фақат сиёсий партияларгина вакиллик органларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини қонунан кафолатлаб қўйдик.

2019 йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатдан ўтган ҳамда ОАВ ларида эълон номзодлар хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳар бир партиядан 150 нафардан рўйхатга олинган жами 750 номзоднинг барчаси олий маълумотли. Шулардан 310 нафари ёки 41,3 фоизи хотин - қизлардир. Бу 2014 йилнинг декабрида ўтган парламент сайловларидан қарийб 10 фоиз (31,8) кўпдир. Номзодлар орасида ҳуқуқшунослар - 6,9, иқтисодчилар - 19,1, шифокорлар - 12,4 ташкил қилади. Депутатлик мандати учун бир академик, 22 нафар фан доктори ва 52 нафар фан номзоди кураш олиб боради.

Номзодлар сафида навқирон авлод вакиллари илгарига нисбатан сезиларли даражада кўпайган. 25 -40 ёшлар орасидагилар - 32,2 фоизни ташкил қилди[9].

3. Пашин С.А. "Доказательства в российском уголовном процессе". Москва, 1999г. (Pashin S.A. "Evidence in the Russian criminal trial." Moscow, 1999)

4. Уголовно-процессуальный кодекс Грузии (The Code of Criminal Procedure of Georgia) (<https://www.matsne.gov.ge/ru/document/download/90034/37/ru/pdf>);

5. Уголовно-процессуальный кодекс Германии (The Criminal Procedure Code of Germany) ([https://pravo.org.ua/files/_\(1\).pdf](https://pravo.org.ua/files/_(1).pdf))


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Юлдашев Джахонгир Хайитович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни
таъминлаш кафедраси бошлиғи ўринбосари,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

*For citation: Yuldashev Jakhongir Khayitovich. SOME ASPECTS OF LEGAL
PROCEDURE OF CITIZENSHIP OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Journal of
Law Research. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 75-80*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, хусусан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонунида мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар тадқиқ этилган. МДҲ давлатлари қонунчилигидаги илғор нормаларни ўрганиш асосида уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: шахсининг субъектив ҳуқуқи, шахсининг ҳуқуқий мақоми, фуқаролик, фуқароликка мансублик.

Юлдашев Джахангир Хайитович,
Заместитель заведующего кафедрой
общественного порядка и безопасности
Академии Министерства внутренних
дел Республики Узбекистан,
доктор философии по юридическим наук

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются проблемы правового регулирования гражданства Республики Узбекистан, в частности коллизии и правовые пробелы, существующие в законе "О гражданстве Республики Узбекистан". Были внесены предложения и рекомендации по их устранению на основе изучения передовых норм законодательства стран СНГ.

Ключевое слово: субъективное право человека, правовой статус лица, гражданства, принадлежность к гражданству.

Yuldashev Jakhongir Khayitovich,
Deputy head of the Department of Public
Order and Security of the Academy
of Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy in Law

SOME ASPECTS OF LEGAL PROCEDURE OF CITIZENSHIP OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article explores the problems of legal regulation of citizenship of the Republic of Uzbekistan, in particular the collisions and legal gaps contained in the Law "On citizenship of the Republic of Uzbekistan". Based on the study of advanced norms in the CIS countries legislation, proposals and recommendations were made to eliminate them.

Keywords: subjective right of the person, legal status of the person, citizenship, affiliation to citizenship.

Хар қандай мамлакат ҳудудида яшовчи аҳоли муайян даражада ўзининг шу давлатга мансублигини, унинг ишончли ҳимояси остида эканлигини ҳис этиши лозим. Мазкур ҳолат шахсга ўз субъектив ҳуқуқ ва эркинликларидан тўсиқларсиз фойдаланиш имконини бериши билан бирга, муайян даражадаги мажбуриятларни ҳам юклайди.

Бугунги кунда глобаллашув таъсири остида мамлакатлар ўртасидаги интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши ҳамда халқаро муносабатларнинг жадаллашиши оқибатида "шахс ҳуқуқий мақоми (ҳолати), шунингдек фуқаролик)"ни белгилаш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиётида кузатилаётган муаммо ҳамда камчиликларнинг илмий асосланган ечимларини топиш масалалари ҳам миллий ҳуқуқ, ҳам халқаро ҳуқуқнинг кундалик объектига айланган.

Шу сабабли, ҳозирда ҳуқуқшунослик илмида ҳам, қонунни қўллаш амалиётида ҳам шахс ҳуқуқий мақоми (ҳолати), жумладан фуқаролик билан боғлиқ масалаларнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларига доир муаммоларни тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур жараёнда асосий эътибор қонун ҳужжатлари ўртасида юзага келган коллизия ва муаммоларни аниқлаш, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилмоғи лозим. Чунки, Х.Э. Ахмедов ва А.А. Ахмедов томонидан ҳақли равишда эътироф этилганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни вужудга

келтирувчи икки муҳим сабаб бу - қонунчиликнинг ижтимоий ҳаёт ривожидан ортда қолиши ва қонун ижодкорлиги фаолиятидаги камчиликлардир [1, Б. 226].

Ҳуқуқшунос олимлар Х.Т. Одилқориев ва Ш.Н. Бердияровнинг фикрича, инсоннинг жамиятдаги қадриятлар тизимида устунлигини эътироф этиш, унинг табиий ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлаш - бу борадаги ҳимоя механизмларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш орқали амалга оширилади [2, Б. 6-7]. Бунинг учун қонунчиликнинг ҳам ижтимоий ҳаётдан ортда қолмаслиги талаб этилади.

В.Н. Калининнинг фикрига кўра, фуқаролик - шахснинг махсус сиёсий-ҳуқуқий ҳолати бўлиб [3, С. 9], унга эгалик амалда паспорт бериш йўли билан белгиланади. Шундай экан, фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари паспорт тизими доирасида муҳим ўрин тутаяди. Фуқароликка мансублик юзасидан сифатли текширувларни олиб бориш, қонунчиликда у билан боғлиқ коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш эса, шахснинг паспортга эгалик қилиш ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Афсуски, таҳлил этилаётган соҳадаги қонунчилик бартараф этилиши лозим бўлган ҳуқуқий бўшлиқлардан тўлиқ ҳоли эмас. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги (1992 йил 2 июлдаги) Қонунини бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилишга бўлган эҳтиёж яққол сезилиб турибди.

Қонуннинг 15-моддасини қўллаш билан боғлиқ яна бир муаммо шундан иборатки, туғилган вақтда фуқароликка мансуб бўлган (мамлакатда доимий яшаётган икки фуқаролиги бўлмаган шахснинг боласи бўлган) шахснинг 16 ёшга етгунига қадар ота-онасидан бирининг (ёки ҳар иккисининг) чет эл фуқаролигига ўтиши натижасида боланинг фуқаролигини белгилаш билан боғлиқ бўлиб, унинг Ўзбекистон фуқаролигини сақлаб қолиш-қолмаслигини аниқлаштирувчи қоида мавжуд эмас.

Яъни 15-модда талаблари ижросини таъминлашда 14 ёшга тўлган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлиги сабабли фуқароликка мансуб деб баҳоланган ҳолда, ота-онасининг бошқа давлат фуқаролигини қабул қилиши боланинг Ўзбекистон фуқаролигини сақлаб қолишига имкон берадими ёки йўқми деган муаммоли вазият юзага келган. Тадқиқот давомида ўтказилган сўров натижалари таҳлили амалиётда фуқароликка доир қонунчилик ижросини таъминлаш бўйича энг кўп юзага келаётган муаммо (респондентларнинг 97,6 % айнан шу фикрда) ҳам фуқароликка мансубликни аниқлаш билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Ушбу ҳолатда қонуннинг 28-моддаси талабларини ҳам инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Унга кўра ота-онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган боланинг фуқаролиги белгиланган тартибда фақат боланинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин (34-модда). Шу боис фикримизча, 15-моддани қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

"Фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлат фуқаролигини қабул қилиши натижасида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам тегишли тартибда ота-онасининг фуқаролигига қараб ўзгаради. Агар ота-онаси бошқа давлат фуқаролигини олган вақтда бола 14 ёшдан юқори бўлса ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш истагини билдирса, ота-онасининг ёзма розилиги билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши мумкин".

Аксарият МДХ давлатларининг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари талаблари (Россия (9-моддаси 2-қисми), Беларусь (19-моддаси 3-қисми), Қозоғистон (28-модда), Молдова (13-моддаси 2-қисми, 15-моддаси 3-қисми), Грузия (16-моддаси 2-қисми), Арманистон (22-модда), Озарбайжон (25-модда), Украина (16-модда), Қирғизистон (21-модда), Туркманистон (23-модда), Тожикистон (26-модда)) ҳам 14 ёшга тўлган шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқини кафолатлашда айнан илгари сурилаётган мезонни инобатга олиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилигимизда суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, вафот этган ёки бедарак йўқолган деб топилган шахслар фарзандларининг васийликка (ҳомийликка) олинганда Ўзбекистон фуқаролигини қай тартибда сақлаб қолиши (масалан, хорижий шахслар томонидан васийликка олинган Ўзбекистон фуқаролигига мансуб шахсларнинг фуқаролиги) билан боғлиқ масала эътибордан четда қолган. Бу эса, ички ишлар органлари томонидан ушбу тоифадаги шахсларни паспортлаштиришга амалда тўсқинлик қилган ҳолда, У.Э. Фазилов таъкидлаганидек [4, Б. 8-9], фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган "инсон эҳтиёжлари ҳамда талаб-истакларини давлат ҳокимияти органлари сиёсатида ифодалаш"га имкон бермайди.

Масалан, 23-моддада, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи боланинг ота-онаси ёки ёлғиз отаси ё бўлмаса онаси Ўзбекистон фуқаролигидан чиқсалар ва айни вақтда улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васийликка ёки ҳомийликка олган боланинг тарбиясида иштирок этмасалар, ота-она, васий ёки ҳомийнинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади дейилган ҳолда, агарда ота-она суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, вафот этган ёки бедарак йўқолган топилган бўлса масала қай тартибда ҳал этилади деган саволга жавоб мавжуд эмас.

Натижада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бундай важлар билан мурожаат қилувчи шахсларнинг аризаларини қаноатлантириш имкони йўқолмоқда. Муҳокама этилаётган масалада хориж тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, Россия (14-моддаси 2-қисми), Қозоғистон (26-моддаси 2-қисми), Туркманистон (18-моддаси 3-қисми) давлатларида ушбу муносабатлар қонун доирасига киритилган. Бизнингча, ушбу тажрибани инобатга олиб, қонуннинг 23-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

"23-модда. Васийлик ёки ҳомийликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи боланинг ота-онаси ёки ёлғиз отаси ёхуд онаси Ўзбекистон фуқаролигидан чиқсалар ва айни вақтда улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васийликка ёки ҳомийликка олган боланинг тарбиясида иштирок этмасалар, ота-она ёки ёлғиз ота ёхуд она, шунингдек васий (ҳомий)нинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон фуқаролигини сақлаб қолади.

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, вафот этган ёки бедарак йўқолган деб топилган ота-она ёки ёлғиз ота ёхуд онанинг илтимоси бундан мустасно".

Ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим яна бир масала шуки, Ўзбекистон фуқаролари томонидан фарзандликка олиниш асосида шахснинг фуқароликни қабул қилиши (26-модда), мазкур ҳолат (фарзандликка олиш) бекор қилинганда сақланиб қолиши (27-модда) ёки болани фуқароликка мансуб бўлган деб топиш

билан боғлиқ масаланинг қонунда белгиланмаганлиги бўлиб, ушбу муаммо С.Ю. Кашкиннинг сўзлари билан айтганда, "давлатчиликнинг энг муҳим белгиларидан (атрибутларидан) бири бўлган [5, С. 99] шахснинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш имконини бермайди.

Мазкур ҳолатда Оила кодексининг бир қатор нормаларини таҳлил этиш эҳтиёжи юзага келади. Жумладан, 172-моддаси талабларига кўра, суд ўзининг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва ота исмини сақлаш-сақламаслигини кўрсатиши шартлиги, 10 ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкинлиги қайд этилган ҳолда, фарзандликка олишнинг бекор қилиниши фуқароликка қай тартибда таъсир этиши мумкинлиги ҳал этилмаган (бунга қонун нормасини шархлашдаги қийинчилик сабаб бўлган).

Шунга ўхшаш ҳолатни Молдованинг фуқаролик тўғрисидаги қонунда (14-модда) ҳам кузатиш мумкин. Унга кўра, фарзандликка олиш бекор қилинганда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган бола хорижда доимий яшаётган ёхуд доимий яшаш учун давлатни тарк этаётган бўлса, ҳеч қачон Молдова Республикаси фуқароси бўлмаган деб ҳисобланади.

Мазкур тажрибага асосланиб, шахс ҳуқуқий мақомини белгилаш миллий қонунчилигимизни ҳам такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга бизнингча, қонуннинг 28-моддаси, қолаверса, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция талабларини инобатга олиб, агар бола Ўзбекистонда доимий яшаш истагини билдирса унинг ёзма аризасига асосан фуқароликни сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳам тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда фикримизча, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги 1992 йил 2 июлдаги қонунининг 27-моддасини қуйидаги мазмундаги 3-қисм билан тўлдириш талаб этилади:

"Фарзандликка олиш бекор қилинганда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган бола хорижда доимий яшаётган ёхуд доимий яшаш учун давлатни тарк этаётган бўлса, ҳеч қачон Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган деб ҳисобланади. Боланинг Ўзбекистонда доимий яшашни ҳамда фуқароликни сақлаб қолишни сўраб қилган ёзма илтимоси бундан мустасно".

Умуман олганда хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солиш асослари таҳлили: биринчидан, унинг қоидаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришни; иккинчидан, уларда мавжуд бўлган шахс ҳуқуқларини таъминлашга тўсқинлик қилувчи коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни ўз вақтида бартараф этишни тақозо этади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ахмедов Х.Э., Ахмедов А.А. Ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги камчиликлар ва уларни бартараф этишга доир баъзи мулоҳазалар // Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш - суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналиши: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. - Б. 226 (Akhmedov Kh.E., Akhmedov A.A. Some remarks about shortcomings in law enforcement and ways of their elimination / / Improvement of administrative legislation is an important direction of judicial and legal reforms: materials of the Republican scientific-practical conference. -Т.: Academy

of MIA of the Republic of Uzbekistan, 2013. - P. 226).

2. Конституциявий ҳуқуқ: Ўқув қўлланма / Х.Т. Одиқориев, Ш.Н. Бердияров, И.А. Хожаназаров. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. - Б. 6-7 (Constitutional Law: Tutorial / H.T. Adilkariev, Sh.N. Berdiyarov, I.A. Khojanazarov. - T.: Academy of MIA of the Republic of Uzbekistan, 2013. - P. 6-7).

3. Калинин В.Н. Институт гражданства в Российском праве: Автореф. дис. □ канд. юрид. наук. - М.: Юридический институт МВД России, 2002. - С. 9 (Kalinin V.N. Institute of Citizenship in Russian Law: Abstract. dis. ... cand. legal sciences. - M.: Law Institute of the MIA of Russia, 2002. - P. 9).

4. Фазилов У.Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ТДЮИ, 2009. - Б. 8-9 (Fazilov U.E. Legal problems of the formation of civil society: Abstract. dis. ... cand. legal sciences. - T.: TSIL, 2009. - P. 8-9).

5. Основы права Европейского Союза / Под ред. Кашкина С.Ю. - М.: Белые альвы, 1997. - С. 99 (Law basics of European Union Law / Edited by Kashkina S.Yu. - M.: White alves, 1997. - P. 99).


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.05-ТРУДОВОЕ ПРАВО. ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Xadjayeva Saodat Anvarovna,
Toshkent davlat yuridik universiteti
kadrlar bo'limi 1-toifali muxandisi

XODMILAR ASOSIY MEHNAT HUQUQI VA ERKINLIKLARINING KAFOLATLARI

For citation: Khodjayeva Saodat Anvarovna. GUARANTEES OF BASIC LABOUR RIGHTS AND FREEDOMS OF EMPLOYEES. Journal of Law Research. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 81-85

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-11>

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada xodimlarning asosiy mehnat huquqi va erkinliklarining kafolatlari haqida bayon etilgan bo'lib, fikr va mulohazalar bildirilgan.

Kalit so'zlar: Mehnat, xodim, kafolat, huquq, jamoat birlashmalari, shartnoma.

Хаджаева Саодат Анваровна,
1-й категории инженер отдель кадров
Ташкентского государственного
юридического университета

ГАРАНТИИ ОСНОВНЫХ ТРУДОВЫХ ПРАВ И СВОБОД РАБОТНИКОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются гарантии основных трудовых прав и свобод работников, а также делаются замечания и комментарии.

Ключевое слово: Труд, работник, гарантия, закон, общественные объединения, договор.

Khadjaeva Saodat Anvarovna,
Personnel Department 1-category engineer
of the Tashkent State University of Law

GUARANTEES OF BASIC LABOUR RIGHTS AND FREEDOMS OF EMPLOYEES

ANNOTATION

This article describes the guarantees of the basic labour rights and freedoms of workers, as well as opinions and comments.

Key words: Labor, employee, guarantee, law, public associations, contract.

O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingani yigirma besh yilligiga bag`ishlangan tantanali marosimdagi ma`ruzasida ta`kidlanganidek: "...biz Asosiy qonunimiz talablarini to`liq amalga oshirish borasida hali oldimizda ulkan vazifalar turganini yaxshi tushunamiz. Shuning uchun har tomonlama chuqur o`ylab, 2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasini qabul qildik. Mazkur hujjat mohiyatiga ko`ra, jamiyat hayotining barcha sohalaridagi tizimli islohotlarning "yo`l xaritasi"ga aylandi"[1].

Inson hayotga kelishi bilanoq turli huquqlarga ega bo`ladi. Yashash huquqi, mulkka ega bo`lish huquqi, bilim olish huquqi, malakali tibbiy yordam olish huquqi va shu kabi boshqa huquqlar inson hayotining ajralmas bir qismiga aylanadi. Ana shunday huquqlardan yana biri - mehnat qilish huquqidir.

Avvalo shuni ta`kidlash joizki, mehnat qilish - huquqdir. Ushbu qoida Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasining 23-moddasiga to`la mos keladi. Milliy qonunchilik tizimida mazkur norma bir qator qonun hujjatlari - Mehnat kodeksi, "Aholini ish bilan ta`minlash to`g`risida"gi, "Mehnatni muhofaza qilish to`g`risida"gi qonun hamda shu kabi bir qancha normativ hujjatlarda mustahkamlab qo`yilgan.

Joriy qonunchilikka ko`ra, barcha fuqarolar mehnat huquqlariga ega bo`lish va ulardan foydalanishda teng imkoniyatlarga egadirlar. Jinsi, yoshi, irqi, millati, tili, ijtimoiy kelib chiqishi, mulkiy holati va mansab mavqei, dinga bo`lgan munosabati, e`tiqodi, jamoat birlashmalariga mansubligi, shuningdek xodimlarning ishchanlik qobiliyatlariga va ular mehnatining natijalariga aloqador bo`lmagan boshqa jihatlariga qarab mehnatga oid munosabatlar sohasida har qanday cheklashlarga yoki imtiyozlar belgilashga yo`l qo`yilmaydi va bular kamsitish deb hisoblanadi.

Mehnat shartnomasini tuzish mehnat-huquqiy munosabatlarning yuzaga kelishini tasdiqlovchi yuridik faktidir. Odatda, mehnat munosabatlarning vujudga kelishi uchun mehnat shartnomasining tuzilishi yetarli bo`ladi.

Mehnat kodeksining 4-moddasida ta`kidlanishicha, "Xodimlar uchun mehnat huquqlarining va kafolatlarining eng past darajasi qonunlar bilan belgilab qo`yiladi." Ya`ni bunda xodimlar uchun mehnat huquqlari va kafolatlarining eng kam darajasi Mehnat kodeksi hamda uning asosida qabul qilingan boshqa qonun hujjatlari bilan belgilanib, ular fuqarolarning adolatli va xavfsiz sharoitlarda ishlashga doir konstitutsiyaviy huquqlarini to`la ro`yobga chiqarishga qaratilgan. Xodim huquqlari va erkinliklari kafolatlarining eng past darajasiga barcha mulkchilik shaklidagi yuridik shaxslar, yollanma mehnatdan foydalanuvchi xususiy fuqarolar qat`iy rioya qilishlari shart va xodimlar ahvolidan belgilangan eng minimal darajasidan pasayib ketishiga yo`l qo`yilmaydi.

Xodimlarning mehnat qilish sohasidagi huquqlari va kafolatlarining minimal darajasi belgilanishida xalqaro huquqiy standartlar, eng avvalo xalqaro Mehnat Tashkiloti Konvensiyalari hamda Tavsiyalarida nazarda tutilgan talablar hisobga olingan [2].

Ish vaqti, dam olish vaqti, mehnat shartlarining xavfsizligi, ish haqi, ijtimoiy imtiyoz hamda yangiliklar va boshqa masalalarda minimal talablar belgilab qo'yilgan, ularga amal qilmaslik mehnat qonunchiligini buzish deb baholanadi.

Qonunlardagiga nisbatan qo'shimcha mehnat huquqlari va kafolatlari boshqa normativ hujjatlar, shu jumladan shartnoma yo'sinidagi hujjatlar (jamoalar kelishuvlari, jamoalar shartnomalari, boshqa lokal hujjatlar), shuningdek xodim va ish beruvchi o'rtasida tuzilgan mehnat shartnomalari bilan belgilanishi mumkin.

Mehnat kodeksi normalari odatda huquqlarning eng kam darajasini (masalan, yillik mehnat ta'tili 15 ish kunidan kam bo'lmashligi kerak yoki haftalik ish vaqti 40 soatdan ko'p bo'lmashligi kerak va hokazolar) va majburiyatlarning eng yuqori darajasini belgilab qo'yadi.

Xodimlar huquqlari va kafolatlarining eng past ko'rsatgichiga ishlab chiqarishning barcha bosqichlarida, xodim va ish beruvchi o'rtasidagi har qanday munosabatlarda amal qilinishi talab etiladi. Ishlab chiqarishdagi holatlar yoki boshqa obyektiv sabablarni ro'kach qilgan holda ushbu minimal talablardan chetga chiqish mumkin emas.

Mehnat qonun hujjatlari yoki lokal me'yoriy hujjatlar bilan tartibga solinmasdan qolgan masalalar odat hamda ish tamoyillariga ko'ra mehnat munosabati taraflarining o'zaro kelishuvi bilan hal etiladi. Bunday kelishuvga erishib bo'lmaganda esa, mehnat nizolarini ko'rib hal etish bilan tartibga solinadi.

Ayni vaqtda har bir shaxsning mehnat huquqlarini himoya qilish kafolatlanadi.

Har bir xodim:

- o'z mehnati uchun qonun hujjatlarida belgilangan eng kam oylik ish haqidan o'z bo'lmagan miqdorda haq olish;
- muddatlari chegarasi belgilangan ish vaqtini o'rnatish, bir qator kasblar va ishlar uchun ish kunini qisqartirish, har haftalik dam olish kunlari, bayram kunlari, shuningdek haq to'lanadigan yillik ta'tillar berish orqali ta'minlanadigan dam olish;
- xavfsizlik va gigiena talablariga javob beradigan sharoitlarda mehnat qilish;
- kasbga tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish;
- ish bilan bog'liq holda sog'lig'iga yoki mol-mulkiga yetkazilgan zararning o'rnini qoplash;
- kasaba ushmlariga hamda xodimlar va mehnat jamoalarining manfaatlarini ifoda etuvchi boshqa tashkilotlarga birlashish;
- qariganda, mehnat qobiliyatini yo'qotganda, boquvchisidan mahrum bo'lganda va qonunda nazarda tutilgan boshqa hollarda ijtimoiy ta'minot olish;
- o'zining mehnat huquqlarini himoya qilish, shu jumladan sud orqali himoya qilish va malakali yuridik yordam olish;
- jamoalarga doir mehnat nizolarda o'z manfaatlarini quvvatlash huquqiga egadir.

Bugungi kunda mehnat sohasida, xususan ishga kirish, joylashish sohasida ham boshqa sohalarda bo'lgani kabi raqobat muhiti shakllanmoqda, faol mehnat bozori vujudga kelmoqda. Har bir shaxsning mehnat qilishga doir konstitutsion huquqini amalga oshirish bo'yicha harakatlar yo'lga qo'yilib, g'ayriqonuniy tarzda ishga qabul qilishni rad etishning oldini olish bo'yicha ham qator ishlar amalga oshirilmoqda.

Shuni ham eslatish kerakki, unumli va ijodiy mehnat qilishga bo'lgan o'z qobiliyatlarini tasarruf etish va qonun hujjatlari bilan taqiqlanmagan har qanday faoliyat bilan shug'ullanish har kimning mutlaq huquqidir. Ixtiyoriy ravishda ish bilan band bo'lmashlik javobgarlikka tortish uchun asos bo'lmaydi. Har kim ish beruvchiga bevosita murojaat qilish yoki mehnat organlarining bepul vositachiligi orqali ish joyini erkin tanlash huquqiga egadir [3].

Amaldagi qonunlarga ko`ra, davlat:

- ish bilan ta`minlash turini, shu jumladan turli mehnat rejimidagi ishni tanlash erkinligini;
- ishga qabul qilishni qonunga xilof ravishda rad etishdan va mehnat shartnomasini g`ayriqonuniy ravishda bekor qilishdan himoyalashni;
- maqbul keladigan ish tanlash va ishga joylashishga bepul yordam berishni;
- har kimga kasbga va ishga ega bo`lishda, mehnat qilish va ish bilan ta`minlanish shart-sharoitlarida, mehnatga haq olishda, xizmat pog`onasidan yuqorilab borishda teng imkoniyatlar yaratishni;
- yangi kasbga (mutaxassislikka) bepul o`qitishni, mahalliy mehnat organlarila yoki ularning yo`llanmasi bilan boshqao`quv yurtlaridasti pendiyato`lab malakasini oshirishni;
- boshqa joydagi ishga qabul qilinganda moddiy harajatlar uchun qonun hujjatlariga muvofiq kompensatsiya to`lashni;
- haq to`lanadigan jamoat ishlarida qatnashish uchun muddatli mehnat shartnomalari tuzish imkoniyatini kafolatlaydi.

Qonunlarga ko`ra, korxonalaridagi, har bir ish joyidagi mehnat sharoiti mehnatni muhofaza qilish standartlari, qoida va me`yorlari talablariga muvofiq bo`lishi lozim. Ma`muriyat korxonada mehnatning sog`lom va xavfsiz sharoitlarini ta`minlashi, ishlab chiqarishning xavfli va zararli omillari ustidan nazorat o`rnatishi va bu haqda o`z vaqtida xodimlarni xabardor qilib turishi shart.

Mehnat sharoiti zararli va xavfli ishlab chiqarishlarda, shuningdek o`ta noxush haroratli yoki ifloslanishlar bilan bog`liq sharoitlarda bajariladigan ishlarda mehnat qiluvchilarga davlat boshqaruvi idoralari belgilagan me`yorlarda maxsus kiyim, poyafzal va boshqa shaxsiy himoya vositalari, yuvish va dezinfektsiyalash vositalari, sut yoki unga tenglashadigan boshqa oziq-ovqat mahsulotlari, parhez ovqat bepul beriladi.

Shunisi ham e`tiborliki, korxonalarining xodimlari O`zbekiston Respublikasi qonunlarida belgilangan tartibda va shartlar bilan baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklaridan majburiy sug`urta qilinishlari shart.

Shuningdek, xodimlarning ayrim toifalariga (chunonchi, xotin-qizlar, yoshlar, mehnat qobiliyati cheklanganlar) yanada qulayroq mehnat sharoitlarini yaratadi. Masalan, mehnat sharoiti noqulay ishlarda, yer osti ishlarida ayollar mehnati ta`qiqlanadi (ayrim sanitariya yoki maishiy xizmat ko`rsatish ishlaridan tashqari), ayollarning ular uchun mumkin bo`lmagan normadagi yuk ko`tarishlari va tashishlari man etiladi. Shuningdek, bunday talablar xodimlar o`n sakkiz yoshga yetmagan bo`lsa ham qo`llaniladi.

Ma`muriyatning aybi bilan ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisa yoki kasb kasalligi natijasida mehnat qobiliyatini to`liq yoki qisman yo`qotgan xodimga O`zbekiston Respublikasi qonunlarida belgilangan tartib va miqdorda korxonada bir marta beriladigan nafaqa to`laydi hamda sog`liqqa yetkazilgan shikast uchun tovon to`laydi. Bir marta beriladigan nafaqa miqdori jamoa shartnomasida belgilanadi va u jabrlanuvchining bir yillik maoshidan kam bo`lmasligi kerak.

Shuningdek, ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisa oqibatida xodim vafot etgan taqdirda korxonada tegishli huquqqa ega bo`lgan shaxslarga moddiy zararni qonunlarda belgilangan tartib va miqdorlarda qoplaydi.

Mazkur normalarda xodimlar huquq va erkinliklari kafolatlanishini ko`rishimiz mumkin. Ushbu kafolatlar normativ huquqiy hujjatlar bilan xodimlar huquqlarining himoya qilinganini o`zida aks ettirgan.

Mazkur normalarning buzilishi xodimlar huquq va erkinliklarining buzilishi sifatida baholanadi.

Iqtiboslar/Сноски/References

1. Prezident Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 25 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi. 07.12.2017/ <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1328>. (Speech of President Shavkat Mirziyoyev at the solemn meeting dedicated to the 25th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan.)
2. Inoyatov A.A. "O'zbekiston Respublikasi mehnat huquqi". T.: "Iqtisodiyot va huquq dunyosi", 2002. 62-bet. (Inayatov A.A. "Labor law of the Republic of Uzbekistan". T.: "World of Economics and law", 2002. P 62.)
3. Tursunov Y., Usmanova M.A. "Mehnat huquqi" darslik. T.: TDYI, 2006. 176-bet. (Tursunov Y., Usmanova M.A. textbook "Labour law". T.: TSIL, 2006. P 176.)


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Эгамбердиев Дилшод,
Тошкент давлат юридик университети
"Фуқаролик процессуал ва иқтисодий
процессуал ҳуқуқ" кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА АДВОКАТ ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*For citation: Egamberdiyev Dilshod. FEATURES OF PARTICIPATION OF LAWYERS
IN ADMINISTRATIVE PROCEEDINGS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.
Journal of Law Research. 2020, 2 vol., issue 5, pp. 86-92*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-2-12>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон эркин бозор иқтисодиёти ва кучли ижтимоий ҳимоялаш тизимига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Конституцияда мустақамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашда ҳамда фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашишда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, қолаверса, қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутди. Ушбу, илмий мақолада маъмурий судларни ташкил этилиши ва ушбу судларда фуқаролар уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: маъмурий судлар, адвокат, маъмурий жавобгарлик, интизомий, маъмурий ҳуқуқ.

Эгамбердиев Дилшод,
 Преподаватель кафедры "Гражданское
 процессуальное и экономическое
 процессуальное право" Ташкентского государственного юридического
 университета

ОСОБЕННОСТИ УЧАСТИЯ АДВОКАТОВ В АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

Узбекистан уверен в восстановлении демократического правового государства, справедливого гражданского общества, основанного на свободной рыночной экономике и сильной системе социальной защиты. Судебная власть играет особую роль в обеспечении прав и свобод человека, закрепленных в Конституции, укреплении законности и правопорядка в обществе, а также в содействии поддержанию мира и национального согласия среди граждан, повышении правовой культуры граждан, повышении и повышении эффективности применения законодательства на практике. В научной статье рассматриваются вопросы организации административных судов и особенности защиты прав и законных интересов граждан в этих судах.

Ключевое слово: административные суды, адвокат, административная ответственность, дисциплинарное, административное право.

Egamberdiyev Dilshod,
 Teacher of the "Civil Procedure and Economic
 Procedure Law" Department of the
 Tashkent State University of Law

FEATURES OF PARTICIPATION OF LAWYERS IN ADMINISTRATIVE PROCEEDINGS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

Uzbekistan is confident in the restoration of a democratic state governed by the rule of law, a just civil society based on a free market economy and a strong social protection system. The judiciary plays a special role in ensuring human rights and freedoms enshrined in the Constitution, strengthening the rule of law and order in society, as well as in helping to maintain peace and national harmony among citizens, improving the legal culture of citizens, increasing and improving the effectiveness of the application of legislation in practice. The scientific article deals with the organization of administrative courts and features of protection of the rights and legitimate interests of citizens in these courts.

Keywords: administrative courts, lawyer, administrative responsibility, disciplinary, administrative law.

Хуқуқ соҳалари ичида маъмурий ҳуқуқ ўзининг кўп тармоқли ва мураккаб процедурали эканлиги билан бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб туради. Маъмурий процессуал судлов иши юритиш ҳам бундан мустасно эмас.

Маъмурий судлар - давлат бошқаруви органлари, мансабдор шахслар билан фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун ташкил этилган махсус судлар. XX аср бошларида маъмурий низоларни ҳал этишнинг икки тизим вужудга келган. Биринчи тизимнинг моҳияти шундаки, оммавий ҳуқуққа оид барча масалаларни ҳал этиш умумий судлар ваколатига киритилган эди (Умумий адлия тизими). Иккинчи тизимга кўра, оммавий ҳуқуқ масалалари бошқарув органлари тизимида ташкил этилган махсус маъмурий-судлов ҳайъатлари (Маъмурий судлар) томонидан ҳал этилади (Махсус маъмурий суд тизими). Ушбу икки тизим асосида кўп давлатларда маъмурий судлар ташкил этилган. Масалан, Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Канада, Швейцария, Дания, Норвегия, Белгияда маъмурий судлов ишларини умумий судлар амалга оширса, Франция, Испания, Португалия, Германия, Италия, Австрия, Люксембург, Финляндия, Швеция, Греция, Болгария, Чехия каби давлатларда махсус маъмурий судлар ташкил этилган[1]. Ҳуқуқшунос олимлар Н.В.Бровко, М.Б.Смоленский, Ю.А.Соколоваларнинг "Административное право" дарслигида "Маъмурий жавобгарлик деганда ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан қўлланиши мумкин бўлган юридик жавобгарликнинг (жиноий, интизомий ва моддий жавобгарлик турлари билан бир қаторда) тури тушунилади" деб таърифланади[2].

И.А.Хамедов, Л.Б.Хван ва И.М.Цайларнинг "Административное право Республики Узбекистан" дарслигида муаллифлар маъмурий процессга таъриф беришар экан, у маъмурий органлар ёки суд томонидан маъмурий ҳуқуқ томонидан ўрнатилган индивидуал-конкрет оммавий тусдаги ишларни ҳал этишга қаратилган фаолият эканини таъкидлашади[3]. Шу нуқтаи назардан, маъмурий процессуал судлов - бу маъмурий суд ва ваколатли давлат органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг айблилигини аниқлаб, уларга нисбатан маъмурий жазо чораларни белгилашга қаратилган фаолиятдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2016 йил 21 октябрь кунигаги ПФ-4850-сон ва 2017 йил 21 февраль санасидаги ПФ-4966-сон фармонлари соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштирди, ҳамда 2017 йил 1 июнь санасидан эътиборан мамлакатимизда мустақил маъмурий судларнинг ташкил этилганлиги олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Адвокатура институти эса, ушбу сиёсатни амалга оширишнинг жуда муҳим бир қисми ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи ҳамда адвокатларнинг дахлсизлигини ва уларнинг эркин фаолият кўрсатишларини кафолатловчи ҳуқуқий-норматив мезон яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, "Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатуранинг ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади[4]". Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги[5] Қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатнинг ижтимоий ҳимояси етарли

даражада ифода қилинмаганлиги ва юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари зарурияти юзага келганлиги туфайли қисқа муддатда яъни, 1998 йил 25 декабрда адвокатура соҳасига оид иккинчи Қонун "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги[6] Қонуни қабул қилинди. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган адвокатурани ислоҳ қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ана шу ислоҳотларнинг муҳим босқичи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[7] ПФ-3993-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан, адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири этиб инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими яъни, республикадаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан адвокатнинг ваколатлари ва мақоми янада оширилди. Ушбу Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларига ҳам қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эътироф этилганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари адвокатура институтининг тубдан мустақамланиши, янада фаоллашуви, жиноят, фуқаролик ва хўжалик масалаларига оид тергов ва судлов жараёнларида қонунийликни таъминлашда айна муддао бўлмоқда. Хусусан, 2016 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг ПФ-4850-сонли "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони эълон қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Фармонда мамлакатимизда юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, жумладан, адвокатура институтини янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашда адвокат мақоми ва унинг ролини кучайтириш бўйича қатор таклифлар ишлаб чиқилиши кўзда тутилди. Жумладан, суд ишини юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш, адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш, фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида адвокат иштирокининг тартиби ва асослари, шунингдек, адвокатлик фаолияти учун ўрнатилган солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш белгиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 7 февраль 2017 йилдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"[8]"ги Фармонида ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш, хусусан, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш мақсадида адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизми, судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартибини аниқлаштириш, фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида, шунингдек жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштирокини кенгайтириш, суд ишини юритишда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш, адвокат ваколатларини тергов ва суд жараёнларининг барча босқичида кенгайтириш, шу жумладан, адвокат томонидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ташаббуси механизмларини белгилаш, адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бериш, адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтириш, адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатишнинг суд тартибини босқичма-босқич жорий этиш, адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш, тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш каби масалалар кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 12.05.2018 йилдаги "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [9] ПФ-5441 сонли Фармони имзоланди. Ушбу фармонга биноан, 2018 йил 1 июлдан бошлаб адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилди, лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади, фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар, адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такроран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилиши, белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ушбу фармон билан адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланди, адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга бўлди, адвокатларнинг

малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини ўн беш кунлик муддатда олиш каби ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасида адвокат мақомини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари, ижтимоий ва ҳуқуқий мазмундаги назарий хулосалар, таҳлил қилиш натижасида шаклланган таклиф, тавсия ва хулосалар қуйидагича баён этилди.

Бугунги ривожланиб бораётган даврда хорижий инвестицияларни барча соҳаларга жалб қилиш, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муаасасаларида жаҳон талабларига мос келадиган кадрларни тайёрлаш ва чет давлатларнинг фуқароларини ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ. "Олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини пухта ўзлаштирган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун шахс малака имтиҳонини топшириши шарт.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 297-моддасини қуйидагича таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ, "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у хоҳиш билдирган пайтдан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин", деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бош., Масъул муҳаррир Н.Тойчиев - Т., Адолат. 2010. - 294 б. (Legal Encyclopedia of Uzbekistan / R.A.Muhitdinov and head., Responsible editor N.Toychiev-T., Justice. The 2010. - p. 294.)

2. Бровко Н .В ., Смоленский М .Б ., Соколова Ю .А.Б 88 Административное право: Учебник для студентов вузов. -Москва: ИКЦ "МарТ", Ростов н/Д: Издательский центр "МарТ", 2003. - 368 с. (Brovko N.V., Smolensky M .B., Sokolova Yu .A. B 88 Administrative law: Textbook for University students. - Moscow: ICC "March", Rostov n/A: Publishing center "March", 2003. - 368 p.)

3. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник: Ун-т мировой экономики и дипломатии, Ташк. гос. юрид. ин-т. - Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. - С. 403. (Khamedov I. A., Khvan L. B., Tsai I. M. Administrative law of the Republic of Uzbekistan.General part: Textbook: University of world economy and diplomacy, Task. state Jurid. in - T.-Tashkent: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. - p 403.)

4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон (National database of legislation data, 16.10.2018 y., 03/18/498/2051; 06.03.2019 y., 03/19/527/2706-number)

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-

2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, 2-San, Article 48; 2001 y., 1-2 art., Article 23; 2003 y., 5-San, Article 67; 2004 y., Number 1-2, Article 18; collection of legislative acts of the Republic of Uzbekistan, 2005 y., 37-38-San, Article 280; 2008 y., 52-th, article 514; 2009 y., 39, article 423; national database of legislative data, 12.10.2018 y., 03/18/497/2044-SEC; 16.01.2019 y., 03/19/516/2484-number)

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 12-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1999., Number 1, Article 12, collection of legislative acts of the Republic of Uzbekistan, 2008, Number 52, article 514; 2016 y., 39-th, 457-th Article; 2017 y. Article 37, article 978)

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 144-модда (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2008 Article 18)

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, Article 6, Article 70, Article 20, article 354, Article 23, article 448, article 37, article 982; national database of legislation data, 31.07.2018 y., 06/18/5483/1594-number)

9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 06/18/5441/1210-сон (National database of legislation data, 14.05.2018 y., 06/18/5441/1210).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

02 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000